Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 17 апрель • Шанба • № 44 (14072) ترکستان ✿ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Ўзбекистон Президенти Минскка жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 16 апрель куни Тошкентдан Минскка жўнаб кетди. У ҳамдўстликдаги мустақил давлатлар бошлиқларининг Беларусь пойтахтида очиладиган учрашувида қатнашади.

— Минскда бўладиган учрашувимиздан мақсад, — деди Ислом Каримов жўнаб кетиш олдидан журналистлар билан бўлган қисқа суҳбат чоғида, — ниҳоят ҳамдўстлик давлатлари амалий ва самарали ҳамкорлигининг таъсирчан воситасини ишлаб чиқишдан иборатдир. — Қабул қилинган қарорлар амалда бажарилмас экан, қанчалик яхши бўлмасин, ёлғиз истак билан халқни боқиб бўлмайди. Ҳамдўстликни сўзда эмас, балки амалий ишлар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш лозим.

Тошкент аэропортида Президентни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Минскка етиб келди. Аэропортда олий мартабали меҳмонни Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси С. Шушкевич, шу мамлакат Бош вазири В. Кебичлар кутиб олдилар.

(ЎзА).

Ўтиш даври сабоқлари



ҚАДДИ ТИК ТАШКИЛОТ

(НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТАШКИЛОТИНИНГ XXI КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА)

ЎТГАН ЙИЛНИНГ январи эди ўшанда. Водийнинг олис туманларидан бирида хизмат сафарида бўлганлигим боис Наманган вилояти Ёшлар Иттифоқининг пленумида қатнашиш менга насиб этмади. Гапнинг очиғи «ташкилотда нима кўп — йиғилиш кўп, бунисига қатнашмаган бўлсам, кейингисига-да» деб ўзимни овутдим аввалига. Кейинроқ эса... кейингина айнан ўша йиғинда иштирок эта олмаганлигимдан афсусландим. Чунки, бўлиб ўтган пленум вилоятдаги бошбошдоқлик ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг хатарли тус олиб бораётганлигидан ташвиш билдириб. Унинг иштирокчилари Наманганда тинчлик ва осойишталикни сақлаш мақсадида вилоятдаги барча фуқароларга қарата Мурожаатнома қабул қилишганди...

Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Вилоят аҳолиси тинч-осойишта турмуш кечираяпти. Барча туман ва шаҳарларнинг фаоллари, фуқаролар, айниқса ёшлар вилоят ҳокими атрофига янада маҳкамроқ жипслашди.

Вилоят Ёшлар Иттифоқининг XXI конференцияси ҳар доимгидек шаҳар марказидаги тантаналар ўтказиладиган муҳташам бинода эмас, тез суръатлар билан ривожланиб бораётган Совет туманидаги Тўқимачилар саройида бўлиб ўтди. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Туман аҳолисининг саксон фоизини ўттиз ёшгача бўлганлар ташкил этади. Шаҳарликларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун берилган 1700 гектар ер ҳам ана шу туман ҳисобига тўғри келади...

Конференция иши ҳақидаги батафсил ҳисоботни ёзишдан олдин ўзимизча ўйлаб қолдик.

Ташкилотнинг кейинги уч йиллик вақт давомида кўрсатган фаолияти ҳақиқатан ҳам ўтиш даврининг талаблари билан қоришиб кетди. Ёшлар Иттифоқи Қўмитасининг саркотиби Мухторали Жўрабоевнинг ҳисобот маърузаси йиғилганларнинг ҳар бирида, қолаверса, кузатувчилар сифатида бизда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маъруза қотиб қолган рақам ва маълумотлардан эмас, балки ҳаққоний баҳо, ижтимоий-сиёсий соғлом кайфият, эртанги кунга тўла ишонч ва умид руҳи билан ҳам ўзига хос эди. Саркотибнинг ўзи табиатан оптимист, талабчан ва ҳурфикрликнинг тарафдори, ташкилот иши ва манфаатини ҳар қандай вазиятда ҳимоя қила олишга одатланган етакчи. Шу боисдан ҳам унинг нутқи бошқаларни бефарқ қолдирмади.

Вилоят қўмитаси ўз иш услубини давр руҳига мос тарзда олиб бораяпти. Унинг асосий диққат ва эътибори ташкилот мавқеини мустаҳкамлашга (баъзилар такрорлашни яхши кўрадиган» сақлаб қолиш»га эмас) вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараённинг фаол нуқталарида бўлишга, ёшларнинг манфаатини ҳар томонлама муҳофаза қилишга қаратилган. Бундай нуқтаи назарни «Ёшлар дастури» билан танишиб чиққан ҳар бир киши осонлик билан пайқаб олади. Вилоят ҳокимининг фармойиши билан шаҳар ва туман Ёшлар Иттифоқлари қўмиталарининг саркотиблари ҳокимларнинг ёшлар ишлари бўйича ўринбосарлари этиб тайинланди. У аввалига жамоатчилик асосида амалга оширилган бўлса, шу йилнинг январь ойидан маошли қилиб белгиланди. Ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик эртага, албатта ўзининг ижобий самарасини беради. Сўнгги икки йил ичида ёшлар муаммоларини ҳисобга олиб, вилоятда 20 минг ўринли мактаб, 5,5 минг ўринли болалар боғчалари бинолари капитал қурилиш маблағлари ҳисобидан қад ростлади. Ноёб қобилиятли ва алоҳида истеъдодга эга бўлган ўқувчилардан 923 нафари тўртта лицейда таҳсил кўряпти. 79 йигит-қиз эса қардош Туркиянинг олий ўқув масканларида зарур мутахассислик бўйича билим олишаяпти. Гап таълим хусусида борар экан, шу ўринда жиддий бир муаммони эслаб ўтиш лозим. Маблағ ва зарур анжомларнинг тақчиллиги боис кейинги вақтларда мавжуд 42 та ҳунар-техника билим юртларининг 9 таси ёпиб қўйилди. 20 та ўқув ишлаб чиқариш комбинати ҳам шу алфозда ўз фаолиятини тўхтатди. Баъзи ишлаб чиқариш корхоналари ва хўжаликлар раҳбарлари ўз тасарруфларидаги мактабгача тарбия муассасаларидан воз кечиш тараддудида юришибди. Ана шу муаммо конференция иштирокчиларининг қизғин тортишувларига сабаб бўлди. Ёшлар вилоят ҳокимининг «бирорта ҳам болалар боғчалари ўрнининг қисқартирилишига йўл қўймаслик» сиёсатини олқишлар билан қувватлашди. Ташкилот аъзоларининг эллик мингдан зиёдроғи олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларида таҳсил олишади. Қатнаб билим олаётган 37 минг ўқувчи ва талабалар учун имтиёзли йўл ҳақи жорий этилиб, ўтган йилнинг ўзида ушбу харажат учун 11,2 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳамма жойда бўлгани каби вилоятдаги тўрт минг «афғон»чи Ёшлар Иттифоқи қўмиталарининг оталиғига олинган. Республикамизда ва унинг ташқарисидаги ҳарбий қисмлар, жойлардаги мудофаа бўлинмалари билан ташкилотнинг алоқаси ҳисобот даврида сезиларлича мустаҳкамланди.

Хўш, муаммолар-чи? Конференция иши фақат ҳамдусанолардангина иборат бўлиб қолдими? Йўқ, анжуман ўзаро танқид остида кечди, камчиликлар очиқ таҳлил этилди. Унинг бошқалардан фарқли томони шундаки, ҳеч ким умидсизликка тушмади, чиройли гапиришга уринмади. Конференция байрамга айланиб кетди. Маърузачи ҳам, музокараларда иштирок этганлар ҳам бировдан нолиб ўтиришмади.

Задарё тумани ЁИ қўмитасининг котибаси Ирода Қўчқорова, Чортоқдаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг муовини Абдумалик Исматуллаев, Янгиқўрғондаги 27-ўрта мактаб ўқитувчиси Йигитали Йўлдошев, шаҳардаги 8-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Мухтор Адашев, меҳнат фахрийси Абдулҳай ота Ҳафизов, шоир Ҳабиб Саъдуллэ ва бошқалар ёшлар ташкилотларининг бугунги долзарб вазифалари хусусида ўз таклифларини ўртага ташлашиб, анжуман ишидан мамнунликларини, ҳамма вақт ҳам худди бугунгидек байрамона кайфиятда бўлиш ёшларнинг умум ишига қўшажак ҳиссаси эканини таъкидлашди.

Конференцияда Ўзбекистон ЁИ ташкилотига аъзо бўлиб кирувчиларнинг ариза матни лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди, «...устав билан танишаман ва уни эътироф этаман» қабилидаги эскирган ва ғализ жумлалар ўрнига қуйидагича матнни киритиш таклиф этилди:

«Мен, келажаги буюк ва мустақил Ўзбекистон давлатининг фидойиси бўлишга, миллатимиз равнақи учун астойдил ўқиш ва ҳалол меҳнат қилишга тайёрман. Ватанга муҳаббат, ўтмишга эҳтиром, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлишни, одамгарчилик, ўртоқлик, камтарлик ва саховатни виждоний бурчим деб биламан. Ўзбекистон Қомуси, давлатимиз рамзлари, қонунлари ва миллий қадриятларимизни эъзозлашга қатъий сўз бераман. Халқлар дўстлиги, ижтимоий адолат, инсонпарварликка асосланган, миллати, дини, тилидан қатъий назар фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи ҳуқуқий жамият қуришда собитқадам бўламан. Иттифоққа кирар эканман, унинг обрўсини асрашга ҳаракат қиламан. Имзо».

Бирма-бир келтирамиз десак, конференцияда кўп яхши таклифлар бўлди, режалар белгиланди. Ҳаммаси оддий, табиий ва ўз ўрнида. Бутун Наманган ёшларни конференция билан табриклади, раислик қилувчи эса табрикномаларни галма-галдан ўқиб эшиттириб турди. Лекин, Чустдан келган мана бу миннатдорчилик мактуби ҳаммани ҳаяжонлантириб юборди:

«АЗИЗ ТЕНГДОШЛАР!

...Мен парвардигорнинг хоҳиши билан ўн йилдан бери оғир дарддан азоб чекиб келардим. Муолажалар сира фойда бермади. Вилоятимиз ҳокими, бағри кенг ва диёнатли инсон Бургутали ака Рапиғалиев, Чуст тумани ҳокими Турсунали ака Пўлатовларнинг беғараз кўмаклари туфайли мен, оддий деҳқон қизи Америко Қўшма Штатларидаги нуфузли даво масканларидан дардимга даво топдим. Уларнинг менга бўлган эътибори ўз халқимни, Ватанимни, юртбошимизни янада кучлироқ севишга ундади. Даво топишимга ёрдам берган азиз инсонларга анжуман орқали менинг энг яхши тилакларимни етказиб қўйишингизни сўрайман. Минг марта раҳмат, мендан қайтмаса, яратгандан қайтсин. Эҳтиром билан Раҳима РАҲМОНОВА. Чуст тумани».

Мактуб қарсаклар билан олқишланди. Оқибатнинг, меҳр ва эъзознинг акс садосимасмикан, бу, дегимиз келди ўшанда!

Конференция қўмита фаолиятини «қониқарли» деб топди. Наманган вилояти Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг саркотиблигига Мухторали Жўрабоев қайта бир овоздан сайланди. Иштирокчилар ўн етти кишидан иборат котиблар Кенгашини тузди ва тасдиқлади. Назорат комиссияси таркиби тасдиқланиб, унинг раислигига Жамила Маҳмудова сайланди.

* * *

ВИЛОЯТ Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг XXI конференцияси ўз ишига якун ясади, ишлар сарҳисоб қилиниб, режалар белгилаб олинди. Конференция ишида Наманган вилояти ҳокими Бургутали Рапиғалиев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси саркотиби Адҳамжон Орзиматов; «Туркистон» газетаси бош муҳаррири Жаббор Раззоқов, Совет тумани ҳокими Муҳиддин Турсунов, ХДП Кенгашларининг раҳбарлари, барча туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари иштирок этдилар.

Рустам Бой МУҲАММАД

Тўйлар кўпаяверсин

ЁКИ ЮРТБОШИГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ ЎҚИБ

ТЎЙ ЎЗБЕКНИНГ энг яхши кунларидан. Яхши кунингга эса яхшиларни, кўнглингга яқин кишиларни айтгинг келади. Қавму-қариндош, ёр-биродарлар йиғилиб, хурсандчилик қилганга нима етсин.

Саноқсиз таклифномалар мактубларни ўқиб бир нарсадан ҳайратга тушасиз. Тўртта одам айтиб, олдига дастурхон ёзиш қийин бўлган бир пайтда катта бир элнинг отахонини тўйга ёки бошқа бир қувончли кунга таклиф қилиш— нима бу? Бағри кенгликми, ҳурмат-эътиборми ва ёки элнинг кўнглидагидек сиёсат олиб бораётган юртбошимизга миннатдорчилик рамзими бу!

Юз ёшга тўлган отахондан тортиб, янги оила қураётган ёш келин-куёвгача ҳаётидаги энг бахтиёр кунни Республика Президенти билан баҳам кўрмоқни истаса, бунинг боиси не? Одилона сиёсатнинг, тинч ва хотиржам кунларнинг, ижобий ўзгаришларнинг натижасидир бу балки.

Рост, кейинги йилларда республикамизда жуда кўп ўзгаришлар бўлди. Биргина Мустақиллик кунининг ўзи тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан битилгусидир. Худди шу кун сабаб юртда ижобий ўзгаришлар юз берди. Ихтиёримиздан ташқарида бўлиб қолган тилимизга, урф-одатларимизга, динимизга қайта олдик. Орол фожиасига малҳам излаб самарали чоралар кўриш, болаларимиз саломатлиги, келажагини ўйлаш, чет эллар билан дўстона алоқани йўлга қўйиш — буларнинг ҳаммаси халқнинг эртасини ўйлаб қўйилган қадам бўлди. Жаҳон цивилизациясининг ноёб намунаси бўлган Хоразм, Бухоро, Самарқанд сингари шаҳарлардаги тарихий обидаларимиз буткул нураб улгурмасдан уларнинг қадр-қимматини баҳолай олдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ишларнинг бари Мустақил юрт раҳбариятининг, хусусан юртбошимизнинг номи билан боғлиқ. Элнинг кўз ўнгида бўлаётган бу буюк ўзгаришлар халқимиз юрагида меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиши табиий эди.

Шундай ҳам бўлди.

«Ҳурматли Президентимиз ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ! Сизни 100 ёшга тўлишим муносабати билан бўладиган тўйга таклиф қиламан.

Ҳасан бобо ЙЎЛДОШЕВ,
Навоий шаҳар, Кармана район, С. Айний кўчаси, 55-уй.

«ҲУРМАТЛИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ! Сизни Бахт тўйимизга таклиф этамиз. Сизнинг ташрифингиз ҳаётимиздаги энг яхши кунни янада яхшироқ қилган бўларди.

НОМОЗБЕК ва
ЗАМИРАХОНлар,
Бухоро вилояти, Жондор райони».

Кунора юзлаб ана шу маънодаги телеграммалар йўллаётган кишилар ўз эҳтиромларини шу йўсин изҳор қиладилар.

«Биз Фарғона водийсининг Комсомолобод районида яшаймиз. 1991 йил 29 декабрь куни умумхалқ сайловида қатнашиб Ислом Абдуғаниевич Каримовга овоз бергандик. Биз жуда тўғри йўлни танлаган эканмиз. Президентимизнинг халқ фаровонлиги ва тинчлиги учун қилаётган ишларидан миннатдормиз. Ана шу миннатдорчилик рамзи сифатида ўғлимизга Исломбек деб ном қўйдик. Зора ўғлимиз ҳам Президентимизга ўхшаб элсевар, чин юракдан халққа хизмат қиладиган инсон бўлиб етишса».

«Инсон энг яқин кишисига Аллоҳдан 100 йил умр кўришни сўрайди, — деб ёзади Андижон вилояти Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида истиқомат қилувчи Нуразимхон Иброҳимова. — **Мен эса Сизга минг йил умр кўришни тилайман. Сабабки Сиз шундай оғир шароитда Ўзбекистонимиз равнақи учун қўлингиздан келган барча ишларни қилаяпсиз. Дадамлар «Президентимизни худо қўлласин», дейдилар. Беш вақт номозларида Сизга узоқ умр, бундан ҳам баланд мартаба тилайдилар. Зеро, кексалар дуоси ижобат бўлгусидир».**

Қайси воҳа, қайси республика, ҳатто қайси мамлакат нуқул хом ашё базаси бўлиб қолаверса, ўша юртнинг косаси ҳеч қачон оқармайди. Негаки тайёр маҳсулотнинг нархи хом ашё нархидан ҳамиша бир неча баробар қиммат бўлиб қолаверади. Бу тўғрида жуда кўп гапирилди, жуда кўп ёзилди. Фақат Президентимизнинг оқилона сиёсати боис Ўзбекистонни ҳам хом ашё базасидан саноати юксак ривожланган жумҳуриятга айлантириш режаси тузилди. Пахтамиз, пилламиз, ер ости бойликларимиз ўзимизда қоладиган бўлди. Етиштирган ҳосили ўз ихтиёрида бўлган деҳқон бундай имконият учун юртбошини алқайди-да.

Чор Россияси ўз мануфактураларини қураётганда Туркистоннинг сувини сиқиб ичишни, бу ўлкада саноатни ривожлантирмасликни, одамларни саводсиз қилишни ягона мақсад қилиб олганди ва узоқ йиллар худди шу йўлдан бордилар. Бугунги ўзгаришларни кўрган, нима яхши, нима ёмонлигини англаб етган эл ана шу ишларнинг бошида турган раҳбарга ўз эҳтиромини бошқа қай йўсинда ифодалай оларди.

Шундай бир воқеани айтиб беришди. Яқинда туркиялик меҳмонлар билан Бухорога борган Президентимиз Лабиҳовуздаги тўй бўлаётган хонадонга ташриф буюради. Бундан тўй эгаларининг боши осмонга етади. Ислом Абдуғаниевич тўйхона эгасини ёнига чақириб ҳол-аҳвол сўрайди. Камчиликлар ҳақида сўз очади. Тўй эгаси ҳамма нарса етарли, Сизнинг иштирокингизгина кам эди холос, деб жавоб беради. Демак юқоридаги шубҳа ўринсиз.

ХУЛОСА эса шуки — қаерда ҳозирги мураккаб замонда ҳам тўй қилинаётган экан, демак, ўша юртда тинчлик, хотиржамлик бор. Тўйга эса дўстлар, юракка яқин кишилар айтилади.

М. ИСРОИЛОВА.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцария Конфедерацияси федерал маслаҳатчиси, молия вазири Отто Штих бошчилигидаги шу мамлакат ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария Конфедерацияси ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада тараққий эттириш, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

РЎЙХАТДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҲАМ БОР

Англиянинг Бирменгем шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари авж паллага кирди. Мусобақа тартибига кўра, унинг финал босқичида ҳар бир мамлакатдан фақат иккитадангина ўзини кўрсатган спортчилар қатнашиши мумкин. Олтмишдан ошиқ мамлакат спортчилари қатнашган бу катта беллашувда финалда 24 киши иштирок этиш бахтига муяссар бўлди. Улар ичида россиялик Наталья Боброва, украиналик Татьяна Лисенко ва Лилия Подкопаева, белоруссиялик Елена Пискун ва Юлия Юркиналар бор. Ундан ташқари Руминия, Канада, АҚШ, Венгрия, Япония, Франция, кубалик маҳоратли спорт усталари ҳам бор.

Энг муҳими ана шу рўйхатда ўзбекистонлик Оксана Чусовитина ва Розалия Галиевалар ҳам бор. Биз юртдошларимизга бу нуфузли мусобақада муваффақият тилаймиз.

ДЎСТЛИК УЧРАШУВИ

Амударёнинг қуйи оқимидаги жумҳурият ва вилоятлар ўртасида ўзаро дўстлик учрашувлари турли соҳаларда мунтазам ўтказилиб турилади. Бу гал Урганчда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти ва мезбонларнинг дўстлик дийдорлашуви дорилфунунлар миқёсида бўлиб ўтди.

Уч қўшни давлат ва вилоятларнинг олимлари фақат саёҳатга келишгани йўқ. Улар қизғин мунозаралар уюштирдилар, илмий ишлар жараёнлари билан танишдилар, шунингдек Ал Хоразмий номидаги Урганч Давлат Дорилфунунида ўқув машғулотларининг ташкил этилиши, талаба ва ёш олимларнинг яшаш шароитлари билан танишдилар. Бу борада яқин келгусида амалга оширилиши кўзланган ишлардан режалашдилар.

Учрашувларда санъаткорларнинг чиқишлари ҳам, шоирларнинг мушоиралари ҳам бўлиб ўтди.

Дўстлик учрашувлари қадим Хиванинг ўлмас обидаларини зиёрат қилиш билан якунига етди.

(Ўз мухбиримиз).

«ЎЗБЕК ТИЛИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ»

Олий ўқув юртларига кирувчилар, ўқитувчи ва мутахассисларга мўлжалланган китобча шундай деб аталади. У Халқ таълими вазирлиги республика ўқув-методика маркази ҳамда Республика ўзбек тили жамияти, хусусан муаллифлар А. Рафиев ва Ж. Худойбердиевларнинг ҳамкорлиги самараси ўлароқ дунё юзини кўрди.

Тавсия этилган тест топшириқларини тузишда ўрта мактабда ўзбек тили ўқитиш дастури, амалдаги дарслик, амалдаги қўлланмаларга асосланилган. Китобча ўқувчиларнинг тест ҳақидаги тасаввурини янада ойдинлаштиришга хизмат қилади.

«Ўзбек тилидан тест топшириқлари» бор-йўғи 10 минг нусхада чоп этилган. Қизиққан кишилар 23-11-10 номерли телефонга қўнғироқ қилишлари мумкин.

ШИФОКОРЛАР ТАНТИЛИГИ

Тошкент Давлат биринчи тиббий олий илмгоҳи касалхонасида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Жумҳуриятимизнинг турли чекка ўлкаларидан келиб даволанаётган катта-кичик беморларга таомномада кўзда тутилмаган миллий таом — сумалак тортиқ этилди.

— Бу ҳуштаъм таомни ўз кучимиз билан тайёрладик, — дейди шифохонанинг маслаҳат берувчи поликлиникаси мудири Рустам Оллоберганов, — шуниси қувончлики шифохонамиз маъмурияти барча ташкилий ишларга бош-қош бўлди.

О. ЗИЕВУДДИНОВ.

«Токтен»— ватандошлар дастури

Чет элларда яшовчи ватандошларимиз БМТ воситачилигида тарихий ватан — Ўзбекистонга ёрдам бериш имконини олдилар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастурларидан бири — «Ватандошлар орқали билим бериш» деб аталган «Токтен» дастурини бажаришда қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи вазирликлари ва идораларининг, республика жамоат ташкилотларининг вакиллари Тошкентдаги халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида бўлиб ўтган семинарда шу дастурнинг мақсад ва вазифалари билан танишдилар.

Семинарда БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик ва «Токтен» дастури директорининг ўринбосари Гайда Галани қатнашдилар. Улар дунёнинг кўпгина мамлакатларида муваффақиятли амалга оширилаётган дастур ҳақида гапириб беришди. Унинг режаларини рўёбга чиқаришда илм-фаннинг турли соҳаларидаги юксак малакали мутахассислар қатнашмоқдалар.

Ҳозир хорижда яшаб турган минглаб ўзбеклар Ўзбекистон иқтисодиёти, фани, маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшишга интилмоқда. Улар халқнинг тили, маданияти, анъаналари, урф-одатларини билганликлари туфайли бу соҳада бошқа ажнабий мутахассисларга нисбатан яхшироқ ишлай олишлари мумкин. «Токтен» дастурини бажарувчи кўнгиллилар яқин вақт ичида Ўзбекистонда фаолият бошлайдилар.

(ЎзА мухбири).

МАРДЛИК КУНДА КЕРАК

Байрамлар кўп. Кўп бўлгани яхши. Хурсандчиликларга не етсин. Аммо, ҳар бир соҳа ходимларининг ўз касб байрамлари бор. Улар шу кунни ўзгача руҳ билан кутиб олишади. Бугун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонлашади.

75 ёшга тўлган бу ташкилот катта йўлни босиб ўтганлиги сир эмас. Қаердаки катта ишлар бўлар экан, албатта шу соҳа ходимларини учратасиз. Улар ҳамиша инсонларни ҳушёрликка, тилсиз ёвдан огоҳ бўлишга чақириб келишган.

— Республикамизда ёнғинга қарши курашнинг ҳамма тадбирларини ишлаб чиққанмиз — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Адҳам Ёқубов. Илгариги йилларга нисбатан ёнғинлар сони 8,7 фоизга, ташкилотлардаги сони 2,7 фоизга камайди. Айниқса қасддан ёнғин содир қилишлар 25 фоизга туширилди. Бунда ходимларимизнинг жойларда тилсиз ёвга қарши тарғиботларини алоҳида таъкидлаш керак.

Баъзан кучли ёнғинлар ичида қолган кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ходимларимиз ўз жонларини ҳам аямаяптилар. Улар кўп бор олов чангалидан болаларни қутқариб қолишган. Биз бундай мард, қўрқмас, ўз касбининг фидойиси бўлган ходимларимиз билан фахрланамиз.

Уларнинг ҳалол меҳнатлари ҳамиша бошқармамиз томонидан муносиб тақдирланиб келинган. Ходимларимиз бундан кейин ҳам ўз касбларига содиқ қолишларига ишонаман. Мен «Туркистон» газетаси орқали барча ходимларимизни касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайман. Оилаларига соғлиқ, ўзларига мардлик ва фидойилик тилайман.

Таҳририятимиз кўпсонли муштарийлар номидан республикамизнинг ёнғиндан сақлаш ташкилотлари ходимларини касб байрамлари билан қизғин қутлайди.

Суратқаш: В. ГРЕХОВ.

Бугун—ўт ўчирувчиларнинг касб байрами

Бизнинг мусоҳаба

«Ниятимиз — эл тинч бўлсин»

Гап уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида кетяпти. Ҳукуматимизнинг мустақиллик сари илк қадамларида ана шу тадбир халққа маъқул тушди. Одамлар турли жиноятчилик гуруҳларининг ғаламисликларидан тоза безиб қолишганди. Деҳқон мол-қўй боқишдан кўра уни ўғрига олдирмаслик учун кўпроқ қайғурарди. Буни устига бозор иқтисодиёти турмуш тарзимизга кириб келди-ю, ўғриликнинг бошқа турлари палак ёза бошлади.

Худди шундай кезда ҳуқуқ-тартибот органлари жиноятчиликка қарши омонсиз ўт очдилар. Узоқ йиллар эл орасида эркин ҳаракат қилиб юрган текинхўрлар бирин-кетин ҳибсга олина бошланди. Ҳар куни янги шов-шув — қайсидир гуруҳ қўлга тушган, улардан фалон миқдор пул, фалонча қурол... мусодара қилинган. Одамлар енгил нафас олишаётир. Буни вақтинчалик «кампания» деб башорат қилганлар ҳам жим. Негаки...

Хоразм вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Тўражон ХОЛМАТОВ сўзларида ишонч кучли, дадиллик етарли. «Кураш давом этади, у бир лаҳза бўшаштирилмаслиги керак», — дейди у.

— Сизни қийин паллада Хоразмга жўнатишди, аввалги замонларда бу ўринда беш-ўн йиллаб бемалол ишлаш мумкин эди. Ҳозирда..

— Ҳозирги мураккаб, ўтиш даврида жиноятчиликнинг ўсиши табиий ҳолдек туюлади. Бозор иқтисодиёти вақтинча ишсизликни яратади. Ишсизлик эса кўпроқ ёшлар зиммасига тушади. Жисмонан бақувват ёшлар ишсиз қолишдими, тинч юришмайди. Ахир уларнинг ҳам яхши кийингиси, замонавий яшагилари келади... Оқибатда улар бош қовуштирадилар, уюшган ҳолда давлат ва фуқаро мол-мулкига тажовуз қилишади, айрим ҳолларда оғир жиноятларга ҳам қўл урадилар....

Ачинарлиси, жиноятчиликнинг айрим турлари ўсмоқда. Масалан, вилоятни олиб кўрадиган бўлсак, талон-торожлик икки марта, ўғрилик эса 86,8 фоиз, давлат мулкини ўмариш 78,7, шахсий мол-мулкка тажовуз 38 фоизга ўсган. Бу жиноятларнинг 76,6 фоизини уюшган гуруҳлар амалга оширганлар.

— Айрим кишилар фикрича, жиноятчиликнинг ўсишига собиқ СССРнинг тарқаб кетиши сабабчи эмиш!..

— Бу гапларда ҳам жон бор. Олдинлари ўта хавфли жиноятчилар узоқ Ўрусиянинг одам қадами ўтмайдиган ҳилватгоҳларида тутқунликда сақланганлар. Мустақилликдан сўнг эса биз ўз қамоқхоналаримизга ҳам эга бўлдик. Шунда ёвуз жиноятчилар «ўз ватанлари»га қайтариб юборилди. Натижада биз жиноятчилик оламида машҳур бўлган, ёзилмаган қонунларига эга катта куч билан тўқнаш келдик. Уларнинг инсонийликдан холи бўлган ўз анъана-одатлари ҳам бизга «экспорт» қилинди. Яна қийин томони шундаки, Шўро давлатининг таназзули жиноятчи гуруҳларнинг жуда катта ҳудудларда бемалол ҳаракат қилишларига ҳам йўл очиб берди. МДҲ таркибига кирган давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ўз ҳудудларидаги жиноятчиларни ушлаш билан банд бўлиб қолишди. Бошқа жойлардан «паноҳ» излаб келганлар билан ишлари бўлмай қолди. Бу ҳол барча давлатларда криминал ҳолатнинг бекиёс даражада ўсиб кетишига ва аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. Худди шундай кезда давлатимиз Президентининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошлагани энг одил ва ўз вақтидаги иш бўлди. Акс ҳолда вазият тағинда чалкашиб кетиши мумкин эди.

— Жиноятчилик оламида машҳур атамалар бор: «қонундаги ўғри», «маҳфия», «таниқли жиноятчи» ва ҳоказо. Хоразм ҳудудан кичик юрт, чекка бир ўлка. Асосан қишлоқ ноҳиялари. Гўё, ҳамма бир-бировини яхши танийди, четдан қандайдир уюшган жиноятчилар гуруҳи ташриф буюриши ва кўнглига келган ишни қилиб юришлари... мумкин эмасдек.

— Қадимгиларнинг гаплари бор-у, ҳар бир шаҳарнинг ўз ўғриси бўлади деган. Олдин ҳам жиноят содир этган, бунинг учун маълум муддат ўтириб чиққан, эндиликда меҳнатга бўйин ёр бермайдиган кимсалар аста-секин бир-бирларини қоронғида топадилар ва кучли уюшган гуруҳга айланишади. Одамларимизнинг феъли кенг, сабр-қаноати етарли. Ва баъзида лоқайдлик ҳам кучли бизда. Кўз ўнгларида худди шундай гуруҳ пайдо бўлса, элнинг тинчини бузса, бировлардан пул таъма қилса, ҳатто бола-чақасини гаровга олиб қўрқитса-да, эътибор бермай юришаверади. Буни қўрқоқлик фаҳм этган ёвуз кимсалар эса борган сари ўзларини эркин қўйиб юборишади, фаолияти доирасини кенгайтирадилар ва ҳатто бутун-бутун ҳудудларни ўзаро «бўлиб» олишади. Мисол учун, ҳар бир ҳуқуқ ходимига яхши таниш ҳолат: жамоатчилик транспортида «фаолият» кўрсатадиган киссавурлар ҳеч қачон якка ишлашмайди. Улар маълум бир уюшмага бирикишган ва ҳудудларни ўзаро тақсимлаб олишган. Уларнинг ўзаро қаттиқ интизоми ва шафқатсиз қонунлари мавжуд. Бир қараганда жуда майда жиноят бўлиб туюладиган ана шу «соҳа»ни тартибга солиш, уларнинг фаолиятига чек қўйиш жуда қийин ва машаққатли. Биз ўтган йили бир неча марта Урганч шаҳар жамоат транспортида «фаолият кўрсатаётган» худди шундай киссавурларни қўлга олдик.

— Сўнгги пайтда тижорат ходимлари, савдо соҳасида ишлаётган кишилардан «тегишли солиқ» ундиришни «касб» қилиб олган гуруҳлар ҳақида юрт орасида гап-сўзлар оралаб қолди.

— Хоразмда «фаолият кўрсатаётган» жиноятчи унсурларнинг тенг ярми шу «соҳа»да. Бунинг устига улар якка ишлашмайди, маълум гуруҳларга уюшганлар. Улар савдо-сотиқ билан машғул шахслар ва ҳатто фирмалар, давлат корхоналари даромадларининг «тегишли қисми»ни ўзлаштириб келишган. Бунинг устига худди шундай жиноятчи гуруҳлар ўртасида ўзаро «лидер»лик учун пинҳона кураш ҳам кетган. Бунинг учун ўз атрофига ишсиз, жисмонан бақувват ёшларни тўплаш, уларни қуроллантириш, моддий таъминлаб туриш эҳтиёжи пайдо бўлган. Оқибатда бундай гуруҳлар сон жиҳатдан кўпайган, ўз «умумётоқ»ларига, ўз «ғазна»ларига эга бўлишган. «Елланган»ларни эса яхшигина моддий таъминлаб туришган. Текин даромад топиш, яна одамлар орасида «ном чиқазиш», уларни доимо қўрқувда ушлаб туриш... кўпчиликка ёқиб қолган.

— Сиз масаланинг, фақат назарий томонини айтаётибсиз...

— Булар ҳаммаси «китобий гаплар» эмас. Биз иш фаолиятимизда дуч келган, қўлга олган гуруҳларнинг тажрибаси шуни кўрсатади. Ўтган йили август ойида вилоятга қамоқ муддатини ўтаб Р. Ғофуров деган шахс қайтиб келди. У олдинлар ҳам бир неча марта судланган, жиноятчилар оламида «Раим пишиқ» лақаби билан жуда машҳур эди. Навбатдаги жазо муддатини ўташ ҳам уни тарбияламади, аксинча янада шафқатсизроқ бўлиб қайтди. У вилоятда ўз фаолиятини давом қилдириш учун алоҳида гуруҳ ташкил этди ва «эски касби»ни бошлаб юборди. Биз бу ҳақда олдиндан хабардор эдик ва унинг ҳатти-ҳаракатларини изчил кузатиб бордик. Қисқа фурсатда атрофига маслакдошларини тўплаб олган Раим пишиқ Урганч шаҳрида кенг фаолият бошлаб юборди. Маҳфий иқтисод ва савдо-сотиқ билан машғул кишиларни жисмонан йўқ қилиш билан қўрқитиб, улар ҳисобига текинхўрлик билан кун кечира бошлади. Айни пайтда худди шундай фаолият билан машғул бошқа бир гуруҳ билан келиша олмай қолдилар ва улар орасида қонли тўқнашув хавфи туғилди. Худди шу пайтда биз тезкор ҳаракат билан уларни қўлга олдик. Бу гуруҳдан қирқма милтиқ, ўқ, элликта ўқи билан кичик калибрли милтиқ ва 36 грамм наркотик модда топилди. «Қарши гуруҳ» ҳисобланмиш — боғотлик ва Урганч шаҳри фуқароларидан ташкил топган уюшмадан эса милтиқлар, ўқлар ва ҳатто жанговар гранаталар мусодара қилинди. Бу гуруҳга боғотлик Зариф исмли шахс бошчилик қилган...

Шовот ноҳиясида материал-жавобгар шахслардан товламачилик ва қўрқитиш йўли билан пул талаб қилиб, тирикчилик қилиб юрган етти нафар шахсдан иборат гуруҳ қўлга олинди. Улардан катта миқдордаги пул, наркотик моддалар ва ўқотар қурол мусодара қилинди.

Яна бир мисол: худди шундай гуруҳ Хива шаҳрида ҳам «фаолият» кўрсатган. Улар мазкур ҳудуд ва қўшни Қўшкўпир ноҳиясини ўзларининг «ота мулки» қилиб олишган.

— Раҳбар ходимлардан рэкет йўли билан пул ундираётган жиноятчи унсурлар ҳақида кўп эшитамиз. Сизнинг ҳозирги иш тажрибангизда шунга мисол қилинадиган бирор гуруҳ ёки шахс қўлга олиндими!

— «Маслопром» бирлашмаси раҳбарларидан биридан 100 минг сўм товон пули талаб қилган ва ундиришга ҳаракат қилган беш кишидан иборат уюшган гуруҳни қўлга олдик.

— Шахсий автомашиналарни ўғирлаш ҳам ҳозирда «русм»га айланди.

— Ўтказилган оператив тадбирларимиз натижасида ўғриликнинг худди шу «соҳа»сига ихтисослашган кўп сонли ўғрилар гуруҳларини ҳам фош қилдик. Одатда бундай гуруҳларнинг «етакчи»лари ҳам жиноятчилик оламида ном чиқарган шахслардир. Ўз вақтида олиб борган тадбирларимиз туфайли ўғрилик, талон-торожлик, фуқаролар ҳаётига тажовуз қилаётган бир неча шундай гуруҳлар қамоққа олиндилар. Ҳозир фуқароларимиз анча эркин нафас олиб қолишди. Бу борадаги фаолиятимизни бўшаштирмай, оқилоналик билан давом қилдираверамиз.

— Юқорида четдан ташриф буюраётган «қонундаги ўғри» ҳақида ҳам сўз юритдингиз. Узоқ Хоразмга ҳам бундайларнинг «ташрифи» кузатилдими!

— Ўғрининг миллати, ватани бўлмайди. Улар ўртасида ўзаро «қардошлик» алоқалари мустаҳкам. Айрим гуруҳлар мутлақо байналмилал оиладан ташкил топганлар. МДҲ таркибига кирувчи давлатлар ва республикамизнинг бошқа вилоятларида фаолият кўрсатаётган худди шундай гуруҳлар билан доимо, яқин алоқада бўлишади, керак пайти бир-бирларига ёрдам беришади. Маълумотларимизга кўра «келиштириш», «яраштириш» мақсадида Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан жиноятчи унсурларнинг «етакчи»лари бир неча марта вилоятимизга ташриф буюришган.

— Уюшган жиноятчиликка қарши курашга нималар тўсқинлик қилиши мумкин!

— Жиноятчи гуруҳларнинг иқтисодиёт «план»лари — маҳфий иқтисод эгалари ва ҳатто хўжалик тизилмалари билан бириктириши. Қўлга олинган гуруҳларнинг айримларида тергов жараёнида маълум бўлдики, худди шундай ҳолатлар мавжуд. Хўжалик тизилмаларига «суқилиб» кирган бундай унсурлар билан курашиш осон кечмайди.

Яна бир томони, бизнинг ходимларимиз улар билан курашда баъзан қийин вазиятга тушиб қоладилар. Улар товламачиликка уста, дўппи тор келганда ходимларимизни қўрқитишади, оила аъзоларига таҳдид қилишдан ҳам қайтишмайди...

Ва энг ёмони, айрим ҳолларда баъзи суд органлари худди шундай гуруҳ аъзоларига енгил жазо беришади. Бу эса, жиноятчиликни тугатиш эмас, янада авж олдиришга имкон яратади.

Жиноятчиликка қарши кураш учун махсус қисмлар тузилгани яхши, аммо биз юқори малакали ходимларга, терговчиларга, транспортга, замонавий алоқа воситаларига етарлича эга эмасмиз.

— Ҳурматли полковник, эл осойишталиги йўлида олиб бораётган машаққатли курашингизда Сизга ва бу курашнинг олдинги сафларида турган ходимларингизга куч-қувват, соғлиқ тилаймиз!

— Раҳмат! Ҳаммамизнинг ниятимиз — эл тинч бўлсин!

Полковник Тўражон Холматовнинг Хоразмга масъул лавозимга юборилганига ҳали йил тўлганича йўқ. У ишни кадрлардан бошлаганди. Эндиликда бутун куч-ғайратини уюшган жиноятчиликни таг-томири билан йўқотишга сарфламоқда. Бу қийин курашда бошқарманинг кўпсонли ходимлари якдиллик кўрсатишаётир. Шахсий таркиб орасида тартиб-интизомнинг кучайтирилгани ишнинг олға силжишига омил бўлди.

Вақт бир жойда турмайди. Ўз касбининг фидойиси, дадил ва қўрқмас кишиларни эл улуғлайди. Унинг мартабаси янада ўсиб бораверади. Кун келиб полковник Холматовни хоразмликлар уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг раҳнамоси сифатида яхши ном билан эсласалар не ажаб.

Рўзимбой ҲАСАН.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● «ВАЗИЯТНИ издан чиқаришда муваффақият қозонишга умид боғлаган оладиган куч йўқ», — деди ишонч билан Тожикистон Бош вазири Абдумалик Абдуллажонов. «Э[illegible] муҳими шуки, ихтилофчиларнинг ҳоҳишини халқ маъқулламаяпти. Одамлар — барқарорлик тарафдори. Улар республиканинг ҳозирги раҳбариятига ишонадилар. Бизга берилаётган бундай мадад кун сайин ошиб бормоқда», — деди у Москвада чиқадиган «Независимая газета»нинг мухбири билан қилган суҳбатида.

А. Абдуллажонов Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги аҳволни «мураккаб» деб атади. У турли сиёсий партиялар раҳбарларининг учрашувларини юксак баҳолади.

● ҚИРҒИЗИСТОН аҳолиси қўшалоқ фуқароликка эга бўла олмайди. Республика парламенти бугун конституцияни муҳокама қилиш пайтида шундай қарор қабул қилди. «Қирғизистон республикасининг фуқаролари бўлган шахсларнинг бошқа давлатлар фуқароларига мансублиги тан олинмайди», — дейилади ҳужжатда. Асосий қонуннинг шу жумласи халқ ноибларининг 208 овози билан қабул қилинди.

● ЯҚИНДА АҚШнинг Москвадаги маданият ва тажриба алмашиш коллежлари консорциуми делегацияси Хўжанд университетига ташриф буюрди. Делегация Тожикистон республикаси билан ўзаро талабалар ва ўқитувчилар юбориш соҳасида тегишли шартномалар тузди. Шу шартномаларга мувофиқ Хўжанд университетининг 31 нафар талабаси танлов кў[illegible]дан ўтди.

● ТОЖИКИСТОН Республикаси нуфузли халқаро ташкилотлардан бири бўлмиш ЮНЕСКОга аъзо бўлди. Бу эса республиканинг фан ва маданият соҳаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришига имконият яратади.

Тижорат
Машвикот
Ижорат

Сизга ёзув машинкаси керак. Шундайми? Унда

.АСҚАР.

фирмаси Сизга ёрдам беради!

☐ ўзбекча, русча, лотинча алифбода
☐ 16 та ҳарф
☐ тезкор ва диск хотираси
☐ банк ҳужжатларини босмага тайёрланган бланклари

"АСҚАР" фирмаси, шунингдек мамлакатимизда ишлаб чиқарилган арзон компьютерларни, уларни ўрнатиш, кафолатли хизмат кўрсатиш, дастурий таъминот ва ўқитиш каби хизматларни

таклиф этади.

Бизга қўнғироқ қилинг: (3712) 77-76-32
Манзилгоҳимиз:
Тошкент, Чилонзор-2, 48-уй.

БИЛДИРИШ

Жиззах шаҳридаги «Туркистон» фирмаси ўз фаолиятини тўхтатади. Даъвогарлар эълон чиққан кундан бошлаб ўн беш кун ичида бевосита фирмага мурожаат қилишлари мумкин.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА

КОНЦЕРНИНИНГ
РЕКЛАМА-АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

бизнинг газетамиз учун реклама ва шахсий эълонларни чоп этиш юзасидан

буюртмалар
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Сизнинг рекламангиз бизнинг газетамиз саҳифаларида зудлик билан босиб чиқарилишига

КАФОЛАТ БЕРИЛАДИ

«Шарқ» концерни реклама-ахборот агентлигининг манзили:

700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 252-хона.

Телефонлар: реклама — 33-81-42, 56-85-67, 32-57-27, 32-56-66.



Жанубий Кореяни биз ўзимизга 1988 йил Олимпия ўйинлари баҳона кашф қилгандик. Ўшанда унинг фан-техника, маданият, турмуш тарзи билан танишиб, бирмунча ҳайратга тушган эдик. Ахир бу мамлакат бизга «қолоқ, чириётган» тузум давлатлари қаторида ўқитилиб, ўргатилиб келинарди-да.

Сувратда кўриб турганингиз осмонўпар бинолару, энг сўнгги русмдаги автомашиналар, теп-текис озода йўллар — мамлакат пойтахти Сеул кўчаларининг бугунги кўриниши. Мухбиримиз Р. ЖАББОРОВ хизмат сафарининг маҳсули бўлмиш бу суврат Жанубий Корея ҳақидаги тасаввуримизни бойитади.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

ЖАКАРТА халқаро ва стратегик тадқиқот маркази уюштирган семинарда қатнашган мутахассисларнинг фикрича, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) минтақасида қурол-яроғлар кўпайишини кўрсатувчи нишоналар йўқ. Ўз ҳудудига номутаносиб тарзда қуролланган Сингапурни ҳисобга олмаганда, бошқа давлатлар ўз миқёсларига монанд қурол-яроғ даражасига эгадирлар, деди Индонезиянинг таниқли дипломати ва ҳуқуқшуноси, собиқ ташқи ишлар вазири Мухтор Қусума-Атмажа.

СОБИҚ Чехословакиядаги давлат хавфсизлиги идораларининг ғайри демократик қилмишлари текширила бошлади. Ҳукмрон компартия тоталитаризмга қарши демократ кучларнинг бош кўтаришини қандай қилиб бўлмасин, тийиб туришга интилган эди. Шу сабабли ўша тузумга маъқул бўлмаган шахслар лагерларга ташланар эди. 13 депутатдан иборат парламент комиссияси зарур ҳужжатларни тўплаб, тергов органларига топшириши лозим. Комиссия таркибида Чехия ва Моравия компартиясининг икки вакили бор.

АНГЛИЯ ҳукумати собиқ Совет Иттифоқи Республикаларига молиявий ёрдам тарзида 380 миллион фунт-стерлинг ажратмоқчи бўлиб турибди. Вазирлар Маҳкамасининг расмий хабарида айтилишича, Британия компанияларининг экспорт кредитлари ва капитал маблағ суғурталари йўли билан қўшимча равишда яна 320 миллион фунт-стерлинг берилади.

КОЛУМБИЯ армияси партизанларга қарши кенг миқёсли ҳаракат бошлади. Колумбия қуруқликдаги қўшинлари қўмондони генерал Хосе Эрнан Гусманнинг журналистлар билан суҳбатда айтишича, қўзғолончиларга қарши янги тактика асосида ҳаракат қилинади. Ҳукумат партизанлардан жанговар ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилмоқда.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

ҲАРБИЙ МАШҚЛАР БОШЛАНАДИ

Эрон армияси қўшин турлари қўмондонларининг айтишларича, 25 апрель куни Форс кўрфазида «Ғалаба—4» шартли номи билан Эрон Ислом Республикаси қуруқликдаги кучлари, ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучларининг ўн кунлик машқлари бошланади.

«Ғарб сиёсатчилари Форс кўрфази давлатларига имкони борича кўпроқ қурол-яроғ сотиш ва мамлакатимизни қуролланиш пойгасига тортиш истагида Эронни минтақа хавфсизлигига таҳлика деб кўрсатишга уринмоқдалар. Аниқ маълумотларга кўра, бултур Форс кўрфазидаги Араб мамлакатлари Эрон Ислом Республикасига нисбатан 13 баравар кўп қурол-яроғ харид қилганлар».

«Эрон Ислом Республикасининг қуролли кучлари ҳар қандай шароитда ҳам мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолишга тайёр», — деди Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг бошлиғи генерал Али Шаҳбози журналистлар билан учрашувда.

Аросатда қолган ўлка

Собиқ Югославия таркибига кирган, бугунги кунда ўз мустақиллигини эълон қилган Македония Республикасини жаҳондаги олтита мамлакат тан олган холос. Қизиғи шундаки, на Америко Қўшма Штатлари, на Оврупо ҳамжамияти мамлакатлари Македонияни тан олмоқчи. Ғарб олами Босния ва Герцеговина учун жон куйдираётган бир паллада Македонияга нисбатан бундай бефарқлик жаҳон афкор оммасини ўйлантириб қўймоқда.

Россия — Македонияни тан олган олти давлатдан бири. Ўтган йили Болгарияга қилган сафари давомида Борис Ельцин Ғарб мамлакатларини Македонияни тан олишга даъват қилган эди. Унинг бу саъй-ҳаракатини Болгария билан Туркия қўллаб-қувватлади. Греция эса, Борис Ельциннинг бундай мурожаатидан ғоятда норози бўлди. Зеро, Греция Македониянинг халқаро миқёсда тан олинишига тўсқинлик қилмоқда. Оврупо ҳамжамияти мамлакатлари айнан Грециянинг мурожаати таъсирида Македонияни расман тан олмасликка қарор қилишди.

Хўш, Греция нега Македонияга «зуғум» қилаяпти? Ғарб мамлакатлари нега Россиянинг эмас, балки Грециянинг айтганини қилмоқда?

Грециянинг фикрича, республика Македония номи билан аталиши мумкин эмас. Чунки бу ном қадимдан греклар тарихи билан узвий боғлиқ эмиш. Бундан ташқари, расмий Афина, борди-ю Македония Республикаси тан олинса, Греция таркибига ўтган қадимги Македон ҳудудларига даъво қилиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Афина ахборот агентлиги мухбири Криссантус Лазаридеснинг фикрича, гарчи Македония Грецияга тўғридан-тўғри тажовуз қилишга кучи етмаса-да, минтақадаги вазиятни чигаллаштириб юбориши мумкин.

Греция Македония Республикасининг номи ўзгарган тақдирдагина, яъни греклар ўтмишининг рамзи бўлмиш «Македония», «Македонлар» сўзлари ишлатилмаган тақдирдагина уни эътироф этиши мумкинлигини айтмоқда.

Македониянинг мустақиллигини қўллаб-қувватловчи мамлакатларнинг наздида собиқ Югославия Республикаси ўз номини грекларнинг сўз бойлигидан «ўғирлагани» йўқ. Нега деганда, ўтмишда Македония деган мустақил давлат бўлган. Искандар Зулқарнайннинг отаси ҳукмронлик қилган даврда эса, Греция ҳатто Македония таркибига кирган. Рус тарихчиси Виктор Гусевнинг фикрича, собиқ Югославия Республикасидан Македония номини олиб ташлашга қаратилган тазйиқ одамнинг ўз исм-шарифидан воз кечишини талаб қилиш билан баробар.

Айнан ана шу нуқтаи назардан ёндашган Россия, Туркия, Болгария биринчилардан бўлиб Македонияни тан олишди. Боз устига, россиялик сиёсатшуносларнинг шаҳодат беришича, Россия бу масалада рус дипломатиясининг анъаналарига содиқ қолиш ниятида. Маълумки, Россия азалдан славянлар яшайдиган Болгария ва Югославияда катта таъсирга эга бўлиб келган.

Хуллас, Македониянинг мустақиллиги бир бўлди-ю уни расман тан олиш борасидаги тортишувлар бир бўлди. Пихини ёрган сиёсатчилар «Македония масаласи»ни ҳал этолмай бошлари қотмоқда, собиқ Югославия Республикаси эса аросатдан қандай чиқиб кетиш йўлларини қидирмоқда.

Шундай бир пайтда БМТ Бош ассамблеяси Македонияни халқаро ташкилот аъзолигига қабул қилди. Бироқ, БМТ Бош ассамблеяси ҳам мамлакат номи масаласини ихтилофлар бартараф этилгунга қадар очиқ қолдирди. У ҳозирча «собиқ Югославиянинг Македония Республикаси» деб аталмоқда.

Т. НУРМУҲАМЕДОВ,
(ЎзА мухбири).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МУОМАЛА ДАҒАЛЛАШИБ БОРМОҚДА

● МДҲГА АЪЗО бўлган мамлакатлар орасида россияликлар ўзаро мулоқотда ўта дағаллашиб бормоқда, яъни «куракда турмайдиган» сўзларни улар жуда кўп ишлатишади, дейилади Бутунроссия жамоат фикрини билиш маркази мутахассислари тарқатган ахборотда. Социологларнинг кузатишича, Россияда сўралганларнинг 30 фоизи ўзаро мулоқотда албатта, сўкиниб гаплашаркан. Умуман Россия аҳолисининг 73 фоизи эса барчамиз учун муқаддас Онани қўшиб сўкинаркан. Бунга сабаб маънавият бойлиги — китоб ўқимаслик эканлигини ҳам гап орасида мутахассислар қистириб ўтишди.

Маълум бўлишича, россияликларнинг 50 фоизи бир йил давомида умуман китоб ўқишмаган бўлишса, қозоғистонликларнинг 56 фоизи, Украина аҳолисининг эса 58 фоизи қўлига бирортаям китоб олмаган.

АЖОЙИБ ТИКУВЧИ

● ВАРШАВАЛИК Альфред Элерт аслида математик. Бироқ у ҳаваскор тикувчи ҳам эди. Тикувчи бўлгандаям ажойиб қобилиятга эга тикувчи эди. Гап шундаки, у ҳаёти давомида буюртма бўйича тиккан костюм-шимларидан ақалли бирортасини мижозининг бўйи-бастини ўз қўли билан ўлчаб тикмаган. Фақат мижозининг оғирлигини, бўйини, елка кенглигини ва бел айланасини сўрарди холос. Материални аввал бичиб, сўнг кийдириб кўриб, ундан кейин тикмасди.

Альфред ҳатто телефон орқали ҳам буюртма оларди. Шунда буюртмачидан юқорид[illegible]ги каби манбаларни сўрарди холос. Костюм-шим тайёр бўлгач, мижозига берарди ва албатта, буюртмачи кийим ўзига мос тушганидан хурсанд бўларди.

ЭРИНМАСДАН ҲИСОБЛАШГАН

ОЛИМЛАРГА ЯМ ҳайронсан, ҳеч эринишмайди-я. Кузатишгани кузатишган, ҳисоблашгани ҳисоблашган. Мана масалан, Бутундунё соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари сайёрамиздаги эркак билан аёлнинг жинсий муносабатларини эринмасдан ҳисоблаб чиқишибди. Маълум бўлишича, бир кунда дунёда 100 миллионта жинсий алоқа содир этиларкан. Шундан 910 минги аёлнинг ҳомиладор бўлиши билан якунланади.

Ибрат

«Ўзбекистон овози» газетаси» номли кўча

Яқинда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани марказидаги Эшонгузар қўрғони ёнида «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллиги олдидан муштарийлар билан журналистларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Бу гузарда янги йўл қурилган бўлиб, у боғлар оралаб ўтган. Йўлнинг икки томонида эса фуқароларнинг янги уйлар қуриб олишлари учун ер майдонлари ажратиб берилди. Кўп ўтмай кўчанинг икки томонида пойдеворлар ўрнатилиб, янги уйлар ва боғроғлар барпо этила бошлади.

Бу ерда истиқомат қилувчи аҳоли ўзларининг янги кўчаларига мамлакатимиздаги энг кекса миллий нашр— «Ўзбекистон овози» газетаси номини беришга қарор қилишди. Ўзбекистон ХДП қўрғон ҳудудий партия ташкилоти, Зангиота район кенгаши ва район ҳокимлиги меҳнаткашларнинг бу қарорини қўллаб-қувватлашди.

Шу тантаналарга бағишланган йиғилишда «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Шароф Убайдуллаев рўзнома босиб ўтган шонли йўл ҳақида қисқача ҳикоя қилиб берди. Шундан кейин кўчанинг очилиш маросими бўлди. «Ўзбекистон овози» кўчаси», деган ёзувлар битилган лавҳа осилиши билан қарсаклар янграб кетди.

Учрашувда газетада узоқ йиллар бош муҳаррир бўлган ёзувчи М. Қориев, бош редактор ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган шоир Ж. Жабборов ва газетанинг бошқа ижодкорлари билан шу ерга келган муштарийлар ҳамсуҳбат бўлишди.

Мустақил мамлакатимиз пойтахти Тошкент яқинида ўтказилган бу ибратли тадбир барча журналистлар қалбидаги иш бўлди. Кекса газета жамоасининг бундай юбилейолди учрашувлари ҳали кўп жойларда бўлиб ўтади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.



Тақдир сўқмоқлари

У ФИДОЙИ ОДАМ ЭДИ

1985 йилнинг 26 август куни Тошкент электротехника заводининг кўп нусхали «Электротехник» газетида муҳаррир бўлиб ишлаётган Ислом Сатторов тўсатдан қамоққа олинди. Кутилмаган даҳшатлар бошланди. Шундай қилиб унинг собиқ СССРдаги энг катта қамоқхоналарга «саёҳат»и бошланди. Тошкент, Москва, Петропавловск, Екатеринбург, Ашгабат, Нижний Тагиль... эслашнинг ўзи даҳшат.

Уни ҳамма яхши танирди. Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, милиция генерал-майори московлик «десантчи»ларнинг қора рўйхатига қандай тушиб қолганига ҳалиям ақл бовар қилмайди.

Генерал Сатторовни матбуот орқали ҳам кўпчилик танирди. 1945 йилнинг 28 мартида «Фронтга» газетасида унинг «Тунги жангда» деган мақоласи босилиб чиққан, душман билан қисқа масофада юзмаюз келганда бир жангчининг ўзини қандай тутганлиги ва ҳаракатлари батафсил ёритилганди. Тақдирнинг бевафолигини қаранг, орадан 40 йил ўтиб, генералнинг ўзи маккор, ҳийлакор бошқа «душман» билан учрашишига тўғри келди. Гдлян ва Ивановларнинг қўлида у ҳақда «етарлича» маълумотлар бор эди. Сатторовни пора олганликда ва берганликда айблашиб, 33 хил айб қўйишди.

Бахтга қарши ўзи севиб қадрлайдиган айрим матбуот нашрлари ҳам унинг устига мағзава ағдардилар. «Труд» газетасида ёзишди: «У органга тасодифан кириб қолган одам. Бор-йўғи тасвирий санъат билим юртини тамомлаган. Узоқ йиллар милицияда иккинчи даражали ишларда ишлади. Ўз ишида муносиб ўрнашиб қолиш истаги Сатторовни ўқиб, изланишга мажбур қилган».

Туҳмат тошларини отишда «Московский новости»дан ошиб тушадигани топилмас-ов: «Шундай пора олишлар маълумки, уни ҳеч ким терговда рад этолмайди. Бу шон-шуҳрат, маънавий қадрият Рашидовни катта ёзувчи даражасига қандай кўтарган бўлса, Тошкент милицияси бошлиғи Сатторовни ҳам улар шундай йирик журналист деб ҳисоблашарди».

Очиғи, ўша йиллари «Труд» газети Ўзбекистонни «пораҳўр», «ўғри-муттаҳамлар» босиб кетганлиги ҳақида ҳаммадан кўп жар солган нашр эканлигини кўпчилик билмаса керак. «У ўзининг Рашидовга содиқлигини аэропортда бир қатор олий даражадаги раҳбарлар қуршовида кутиб олишда кўрсатишга интиларди. Ҳатто у билан бир неча бор сувратга ҳам тушган. Буларнинг ўзи Сатторовнинг доҳийга қўшиб ёзиш, маҳаллийчиликда кўмаклашганлигини кўрсатади».

Ҳақиқатан ҳам Шароф Рашидов ва генерал Сатторов иккаласи шунчалик қалин эдими? Биринчи котиб кичик лейтенантдан милиция генералигача кўтарилган Ислом Ғафуровични бир сўзлиги, ишчанлиги, асосийси, ҳалоллиги учун жуда қадрларди. Кўплар оғиз кўпиртириб гапирганидек, улар орасида айтарли ҳеч қандай шов-шув бўладиган яқин алоқалар йўқ эди.

Шароф Рашидов ўлганидан кейин сал ўтмай уни қоралаш кампанияси авжига чиққан пайтда ҳам Ислом ака унинг қабри пойига бориб ҳар куни эслашни канда қилмади. Бир неча одамлар гарчи «огоҳ бўл, бу ишинг хатарли» дейишса ҳам. Бироқ, ўз эътиқодидан воз кечмаган бу одамни унга хиёнат қилишга, ҳар қандай азоб-уқубатли сўроқлар ҳам кўндиролмади.

Тергов ва суд ишлари чўзилаверди. На аниқлик бор, на бирор айбловчи ҳужжат. Бариси Сатторовни обрўсига путур етказиш, иродасини букиш учун тўқиб чиқарилган «айбномалар». Қўйилган 33 та айбнинг бирортаси ҳам аниқ далилларга асосланмаган бўлса ҳам, уни етти йил озодликдан маҳрум қилишди. Ҳатто қўйилган гуноҳларнинг нақадар ишончсизлиги ва етарлича ўрганилмаганлиги учун РСФСР Олий суди Иттифоқ судига протест ҳам келтирди. Аммо қонун ва инсон ҳуқуқларини ўнг ва сўл чўнтагига жамлаган гдлянчилар гуруҳи учун бу ишларни ими-жимида бости-бости қилиш оддий бир ҳол саналарди. Сатторов «иши» ҳам шуларнинг орасида эди.

Кўп йиллар жамоат тартибини мустаҳкамлаш, қонунбузарликнинг олдини олиш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилган инсон устидан жиноий иш қўзғатилганини эшитиб, уни яқиндан билганлар ишонмадилар. Турли жойлардан прокуратурага телеграмма, хатлар оқиб кела бошлади.

Бировни ёмонотлиқ қилишдан осони йўқ. Келинг, яна бир қур марказий нашрларнинг ғалати пичингларига эътибор берайлик: «Органга тасодифан кириб қолган». Бу ерда ўзига хос устамонлик яширин. Ғаройиб тергов ҳужжатларида атайлаб унинг Қизил Армияга чақирилгунича (1943 йил) Самарқанддаги 20-ўрта мактаб ва тасвирий санъат билим юртини аъло баҳоларга битиргани келтирилмайди. Бу ҳам майли. Ҳамиша илмга чанқоқ, иқтидорли Ислом Сатторовнинг Магадандаги марксизм-ленинизм университетининг фалсафа факультети кечки бўлимида, кейинчалик Қозоғистон Давлат университети ва СССР Ички ишлар вазирлигининг олий мактабини имтиёзли диплом билан тугатгани ҳақида ҳам ҳеч нарса ёзилмайди. Очиғи, ҳаётда унинг ишлари ҳамиша яхши эди. Аммо...

Энди бир лаҳза ортга қайтайлик: 1945 йили хизматни ички ишларда бошлади. Олтой ўлкаси, Қозоғистон, Хабаровск, Магадан, Чукотка, Колима... Бир инсоннинг насибаси қаерларга сочилмаган-а? Қай бири ҳақида ёзайлик?

Қозоғистонда балоғатга етмаганларни тарбиялаш меҳнат колониясида бошлиқ бўлиб ишлаганди. Кўплаб ёшларни тўғри ҳаётга қайтарди. Қайта тарбиялади. Кейин эса ашаддий маҳбуслар билан Қизил Ўрда вилоятида бир ҳаводан нафас олди. Ишонмассиз, ҳатто уни «зэк»лар ҳам одамоҳунлиги учун яхши кўришарди. Манави хатга бир назар ташланг-а:

«Салом Ислом Ғафурович! Сизга колониянинг собиқ тарбияланувчиси Тихомиров хат ёзаётир. Биринчи галда айтадиганим, соғ-саломат етиб келдим. Ҳозир касалхонада электрчи бўлиб ишлаяпман. Ишлаш билан бирга кечки мактабнинг 6-синфида ҳам ўқияпман.

Менга қилган яхшиликларингиз учун сиздан бир умр миннатдорман. Яна бир бор раҳмат сизга.

17/XI 62 йил.»

Шундай мазмундаги хатлар беҳисоб. Раҳматлик Ислом ака уларнинг ҳар бири билан танишиб, жавоб ҳам ёзарди.

1969 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг турли жабҳаларида ишлай бошлади. 1973 йили эса Тошкент шаҳар милициясига бошлиқ этиб тайинланди. Бу ёғининг ўзи бир китоб. Оддийгина мисол: ТошДД доценти Мухтор Шапсанов шундай ҳикоя қиладилар: «... **1977-1987 йилларда дорилфунуннинг тарих факультетида партком бўлиб ишлаб юрган пайтларимда 3 нафар толибимиз бир гуруҳ машина ўғрилари билан қамоққа олинганини эшитдик. Уларни яхши билардим. Ишонмадим. Шунинг учун ота-оналари билан обдон гаплашиб кўрдим. Оддийгина оиладан чиққан болалар экан. Зўрға уйларидан юборилиб туриладиган пулга кун кечириб юрган бу болаларнинг машина ўғирлаганликларига сира ишонгим келмади. Охири Ислом акаға мурожаат қилдим. Бор гапни айтдим. Менинг гапларимни эшитиб бўлгач, мулоҳаза билан «Домла, буларнинг савоб-гуноҳнга иккимиз баб-баравар жавобгармиз. Ҳозир уларни оқлаяпсиз. Агар эртага яна бирон жиноят қилиб қўлга тушишса, нима деган одам бўламиз?» Йўқ, дедим. Шуларга ишонганимдан тарафини олиб сизнинг олдингизга келдимда. Менга ишонинг... У киши шундан сўнг «ўғри» болаларнинг «иш»и билан шуғулланаётган терговчини чақириб тушунтирди. Орадан кўп вақт ўтмади. Талабалар қамоқдан озод қилинди. Кейин маълум бўлишича, бу йигитларнинг юқоридаги жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқ экан. Ҳақиқий ўғрилар топилди. Ислом ака қутқариб қолган толиб йигитлар ҳозир обрўли жойларда ишлашаяпти...»**

1984 йилнинг июнида у киши истеъфога чиқди. Ишлаб ўрганган одамга уйда ўтириш қийин экан. «Электротехник» газетасининг муҳаррирлигига таклиф этишди. Қўлидан ёзиш-чизиш келарди. Орадан кўп вақт ўтмади. Юқорида айтган қама-қамалар бошланиб кетди. Кутилмаган воқеалар рўй берди. Ислом ака ҳайрон. Қайси гуноҳи учун қамашди? Исботлай деса имкон йўқ, Хўл ҳам, қуруқ ҳам баравар ёнди. Охири у Москва вилоят судидан ўз «иши»ни яна қайтадан кўриб чиқишни сўради. Улар эса рад этавердилар.

1990 йилда муддатидан олдин қамоқдан озод қилишди. Аммо тўла оқланмади. Журналистлик севган касби бўлгани учун яна ишга кирди. «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» газетасининг муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлай бошлади. Кўплар ўйлаши мумкин. Журналистикага ҳам тасодифан кириб қолган, деб. Йўқ аваллариям ҳарбий газетага мақола ёзиб юрар, ҳар хил нашрлардаям катта чиқишлар қилганди. У умрининг охиригача қалам тебратди. Урушда қатнашган йиллари «Фронтга», «Фрунзевец» армия газеталарининг ҳам мухбири бўлган. Бироқ, дунёдан армон билан кетди. Унинг Россия Федерациясига жиноий ишни қайтадан кўриб чиқиш тўғрисидаги сўровлари барибир жавобсиз қолди. Москвага бориб ўз ишининг натижасини билай деб йўлга чиққанида қўлига хат тутқазишди. Россия Федерациясининг Олий судидан: **«Сизга қўйилган 153- (пора бериш) ва 152- (пора олиш) моддаларида айбларнинг асоссиз эканлиги учун улар бекор қилинди. Давлат мулкидан 300 сўм пулни ундирган деган айб ҳам олиб ташланди...»**

Ниҳоят, ҳақиқат қарор топибдида, дерсиз. Йўқ, ҳали шошилманг, давомини эшитинг: **«Сиз Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 149-моддаси билан айбланиб (хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун) икки йилга озодликдан маҳрум этилгансиз. Шул боис...»**

У ёғини ўқий олмади. Керакмас. Бундан ортиқ хўрлик, ҳақорат бўлмаса керак бир инсон учун. Сатторов беш йил ҳеч қандай гуноҳи бўлмаса ҳам қамоқда ўтириб чиққанди. Шунча йиллик азобларни ичига ютиб келган Ислом ака юқоридаги хатни ўқиб бўлгач ҳаммасига қўл силтади. Энди не бўлса пешонамдан кўрарман, деди. Лекин барибир юраги чидамади. Орадан бир неча кун ўтгач оламдан ўтди...

... БИР ФИДОИЙ одамнинг қисмати ана шундай фожеали тугади.

Лекин, бундай жон фидо кишилар ҳаёти зое кетмади...

Мирза АБДУЛЛА.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **ҲИНДИСТОН** Бош вазири П. В. Нарасимха Рао май ойида Қозоғистон ва Ўзбекистонга расмий ташриф буюрмоқчи. «Пайонир» газетаси шу ҳақда хабар берар экан, Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи СССР барбод бўлганидан кейин собиқ Совет республикаларига биринчи марта сафар қилади, деб таъкидлайди. Деҳлидагилар бўлғуси ташриф Ҳиндистоннинг минтақадаги янги мустақил давлатлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш имконини беради, деб умид қилмоқдалар.

● **ХИТОЙ** Халқ республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вакили ХХР Давлат Кенгашининг Бош Вазири Ли Пэннинг шу йил 28 апрелдан 9 майгача Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ўзбекистонга, шунингдек, Мўғулистонга расмий ташриф буюришини маълум қилди.

● **МИСРДА** чиқадиган «Ал-Вафд» газетасининг хабар қилишича, Ироқ ички ишлар вазири Ватбан Ал-Ҳасанни ўғирлаб кетиш учун номаълум шахслар қилган уриниш сабабли Бағдоддаги вазият кескинлашиб кетди. У Саддам Ҳусайннинг ўгай укасидир.

● **БИЛЛ КЛИНТОН** маъмурияти конгрессга 1994 молия йилида разведка эҳтиёжлари учун маблағни кўпайтириш ҳақида илтимоснома юборди, деб ёзади бугун «Нью-Йорк таймс» газетаси.

● **«ҲУРРИЕТ»** газетасининг хабар қилишича, Туркия Озарбайжонга қурол-яроғ ва ўқ-дори жўнатди. Мамлакат Бош Вазирининг ўринбосари Эрдал Иненю журналистлар билан суҳбатда Озарбайжонга ҳарбий ёрдам берилганини билвосита тасдиқлади, деб ёзади газета.

● **ЖАЗОИРНИНГ** Оран шаҳридаги махсус судда 41 нафар террорчининг иши кўриб чиқилмоқда. Улар орасида муаллимлар ва талабалар бор. Улар давлатнинг хавфсизлигига қарши фитна қилишда, одам ўлдиришга уринишда, қонунга хилоф равишда қурол олиб юриш ва уни сотишда айбланмоқдалар.

Жамоа хўжалигида чинни цехи

Хоразм вилояти Боғот туманидаги Дўсов номидаги жамоа хўжаликнинг чинни цехи буюртмалар дафтари тўлиб кетди. Унда ишлаб чиқарилаётган чиройли лаган, чойнак, пиёла ва бошқа идишларга қўшни Қорақалпоғистонда ҳам талаб катта.

Чинни пишириш учун юқори сифатли хом ашё Қорақалпоғистондан олинмоқда. Бунинг эвазига хўжалик усталари маҳсулотнинг бир қисмини қўшниларга юборишмоқда. Собиқ пахтакорлардан 600 киши ҳозир шу корхонада ишламоқда. Пахтазорлар камайиб, илғор технология жорий этилгач, бўшаб қолган кишиларни иш билан банд қилиш учун мана шу цех қурилган эди. Дастлабки пайтларда ўз харажатларини қоплай олмаган цех жамоаси энди катта даромадли корхонага айланди. Цех ишчиларининг маоши пахтакорларникидан оз эмас. Ишлаб топилган фойданинг анчагина қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва янги машина-ускуналар сотиб олишга ишлатилмоқда.

(ЎзА мухбири).

Аҳмад Яссавий йили

Туроннинг буюк алломаси

Элимиз бағрига теккан мустақиллик шабадаси аста-секин халқимизнинг букилган забардаст қоматини тикламоқда, теран маданий илдизларини топишга кенг йўл очиб бермоқда. Аввало, мустақилликка эришиш, биринчи навбатда, яратганнинг ишидир ёки фалсафий айтганда, объектив табиий-тарихий жараёндир. Иккинчидан, элимиз, юртимиз карвонбошиси ва уни қўллаб-қувватлаган доно, сабр-тоқатли халқимизнинг ишидир. Бошқача қилиб айтганда, субъектив омил фаолиятининг маҳсулидир. Қандай бўлмасин, бунга ҳали мутахассис олимларимиз ўз хулосаларини чиқарадилар, бироқ, биз каби энди илм-фанга кириб келаётганлар учун ҳозир энг муҳими, минг шукрки, мустақиллик жараёни бошланди. Минг шукрки, биз тарихда амалга ошаётган оламшумул воқеанинг, бурилишнинг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Фикримизча, ҳозирги кунда Шарқнинг иккинчи ренесанс (уйғониши) даврига мустаҳкам пойдевор қўйиш жараёни бошланди. Буни кўпчилик юртдошларимиз дилдан ҳис этиб, ўзларининг меҳнатлари, наслдан-наслга ўтиб келаётган буюк бир ирсий ички маданияти, одоби билан билдириб турибдилар. Биз бу мақолада юқорида айтилган тезисни исбот қилиш ниятида эмасмиз. Чунки, у алоҳида катта илмий мавзудир. Шундан ҳам мустақиллик, иккинчи уйғониш даврининг пойдеворини қуришда қилинаётган саъй-ҳаракатларга ўз муносабатларимизни билдириб, сиз муштарийлар билан баъзи бир фикрларимизни баҳам кўрмоқчимиз.

Мустақиллик нимадан бошланади? Бу саволга жуда ҳам кўп асосли, ҳисоб-китоби тўғри фикрлар баён қилинмоқда. «Мутақиллик сиёсатдан бошланади», «Мустақиллик иқтисодиётдан бошланади», «Мустақиллик ўз миллий тилимиз ва маданий қадриятларимизни тиклашдан бошланади» ва ҳоказолар.

Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган бир йилдан ошиқроқ давр республикамизнинг ўзига хос тўғри йўлдан кетаётганлигини яққол кўрсатмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу йилнинг бошланишидаёқ амалга оширилган ва бутун дунёга тезда маълум бўлган тадбирлар айниқса бизни тўлқинлантириб юборди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тарихий учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув мустақиллик жараёни ривожининг муҳим гаровидир ва тезда ўз самарасини бера бошлади, МДҲ баъзи сиёсатдонларни ўз ўрнига қўйиб қўйди. Республика Президентининг «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» Фармони маориф, таълим, қолаверса, маданий-маънавий мустақилликка эришишда ташланган яна бир шаҳдам қадамдир.

Ана шундай қадамлардан бири ва бутун жамиятни ҳаракатга келтирадиган ва кишилар онгида, умумий қадриятлар тизимида, маънавиятда инқилобий ўзгаришлар қиладиган, қадимги юнон олими Архимед «агар таянч нуқтасини кўрсатсангиз — мен бутун дунёни ағдар-тўнтар қилар эдим», деганидек, «таянч нуқтаси» бўлиб хизмат қиладиган тадбир — бу «Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида саралаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қароридир.

Ўз-ўзидан маълумки, бу қарорни амалга ошириш ва ундан кутилаётган натижаларга эришиш учун жойларда катта ташкилий, услубий ва тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу жамиятимиз ҳаётида катта инқилобий воқеадир, ижтимоий адолатга эришиш ва халқ хўжалигини билимдон, доно мутахассис кадрлар билан таъминлаш, шунинг асосида республикамизни жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига имкон берадиган мустаҳкам пойдевордир. Чунки табиатнинг энг муқаддас зоти — бу инсондир. Шундай экан, биринчи навбатда, шу муқаддас зотни — инсонни «ишлаб чиқаришни», яъни инсон таълим ва тарбиясини, унинг қадриятлари, эҳтиёжлари тизимини, қолаверса, нафсини тартибга солиш муҳимдир. Бунинг учун кишиларда истиқболга, ижтимоий адолатга, маълум фалсафага ишонч бўлмоғи зарур.

Агар бизнинг давлат паноҳларимиз жамият ривожланишида инсонга, унинг илмига, тарбиясига, маданияти-маънавиятига асосий эътиборларини қаратган эканлар, демак, келажак пойдевори тўғри фалсафий асосда қурилмоқда. Энди унинг устига қўйиладиган бино ҳам мустаҳкам бўлишига ишончимиз комил. Буни юқорида қайд этиб ўтганимиз уч далил ҳам инкор этиб бўлмас тарзда далолат бериб турибди.

Бу фалсафа нимадан иборат? Бизнингча, бу ҳақиқий Шарқ фалсафаси, қолаверса, туркий халқлар фалсафаси — инсон фалсафаси, унинг камолоти фалсафаси, унинг бахт-саодати фалсафаси. Бироқ, унга эришиш зўрлик билан эмас, бирлик, ўзаро ҳамдўстлик, ўзаро ёрдам, ўзаро сабр-тоқат, ўзаро инсоф, ўзаро оқибат, ўзаро ҳамдардлик билан амалга ошириладиган фалсафадир.

Ўтмишимизда жуда кўп доно файласуфлар бўлган. Уларнинг бутун дунёга тарқалган фалсафий таълимотлари бундан далолат бериб турибди. Шулардан бири, Навоий ибораси билан айтганда, «Турк Пири» деб тан олинган Хўжа Аҳмад Яссавийдир. У халқ орасида Ҳазрати Султон номи билан машҳур бўлган ва авлиё даражасига кўтарилгандир. Бунинг маъноси нимада? Чунки Аҳмад Яссавий ўзининг фалсафасини, илмини содда, маҳаллий халққа тушунарли бўлган туркий тилда ифода этади. Ҳаммамизга маълумки, Яссавий яшаган XI—XII асрларда Туркистон юртида илмлар, шеърият, диний таълимот ё араб тилида, ё форс тилида олиб борилар эди. Бу эса оддий маҳаллий туркий халқни билим олишга, ислом динини ўрганишга, шариатни талқин қилишда анча қийналтириб қўяр ва фақат айрим ўқимишли кишиларгина бу имкониятдан фойдаланарди.

Иккинчидан, Аҳмад Яссавий ислом дини таълимотини, Қуръони Карим илмини маҳаллий турк халқларнинг исломгача бўлган маданиятига қарама-қарши қилиб қўймади, балки уларни маҳаллий халқ анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига мос равишда ишлаб чиқди ҳамда ўзининг бутун умрини халққа илм бериш, одоб-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат ўрганишга бағишлади. Бунинг учун ўзининг шахсий ҳаёти, меҳнати билан ҳар бир кишининг дилига жо бўладиган улуғ ҳикматлари билан инсон руҳини кўтаришга ҳаракат қилди.

Мавлоно Алишер Навоий Аҳмад Яссавий ҳақида шундай деб ёзган эди: «Хўжа Аҳмад Яссавий — Туркистон мулкининг шайхул-машойиҳидир. Мақомати олий ва машҳур, кароматн матаволий (ҳайратланарли) ва номаҳсур (чегарасиз) эрмиш. Имом Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобидиндур (суҳбатдоши)... Ва унинг мозори Туркистонда Ясса деган ердаки, Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидир».

Шундай экан, улуғ бобомиз, пиримиз бўлган Аҳмад Яссавий фалсафасини чуқур ўрганмоғимиз ва ҳозирги жаҳон фалсафий илми ютуғини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирмоғимиз зарур. Бу йўсинда шуни айтиш лозимки, минг раҳмат адабиётшунос, тилшунос, олимларимизга ва адибларимизга. Улар Яссавий ҳақида жуда катта ишларни қилиб қўйдилар. Аммо биз файласуфлар эса бобомиз руҳи олдида қарздормиз. Чунки унинг фалсафасини ўрганмадик, халқимизга етказмадик, тоталитар мафкура бунга йўл қўймади — бунинг учун биз минг бор узр сўраймиз.

«Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ» — дейди халқимиз. Демак, ҳали кеч эмас. Мустақил элимизнинг мустақил фалсафасини қайта тиклаш учун имкониятларимиз бор.

Фикримизга хулоса қилиб, баъзи амалий таклифларимизни айтмоқчимиз.

Биринчидан, Марказий Осиё мамлакатларида маълум маънавий бирликни, маконни ташкил қилмоқ зарур. Бизнингча, бунинг учун Аҳмад Яссавий таълимоти, фалсафаси асосий негиз, байроқ бўла олиши мумкин.

Тўғри, ҳозир Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий, молиявий маконни ташкил қилиш ҳақида келишилди ва маданий алоқалар ҳам олиб борилаяпти. Аммо шу биргаликда туркий халқларнинг маънавий бирлигини таъминловчи фалсафий асосларни ишлаб чиқиш етарли даражада эмас. Агар халқларнинг маънавий, маданий бирлиги таъминланса ўз-ўзидан уларнинг иқтисодий, молиявий, моддий бирлиги ҳам таъминланади. Буни амалга ошириш учун халқаро Яссавий жамғармасини ташкил этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ана шу жамғарманинг маркази Тошкентда бўлиши лозим. Чунки бу ер жуғрофий жиҳатдан ҳам, техник ва бошқа жиҳатдан ҳам қулайдир.

Бизнингча, бу мустақил ташкилот бўлиб, (балки ЮНЕСКО шаклида) туркий халқлар маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзини ўрганиш ва уларни кенг оммага етказиш, шу мамлакатлардаги иқтидорли ёшларга ёрдам кўрсатиш, халқаро илмий-амалий анжуманлар, ёшлар фестиваллари, спорт ўйинлари ва бошқа тадбирлар олиб бориш мумкин бўлади.

Жамғарма қошида гуманитар фанлар соҳасидаги ютуқлари учун бериладиган Яссавий мукофоти ташкил қилиниши ва бошқа кўп хайрли ишларни амалга ошириш мумкинки, бу халқларимизнинг табиий, генетик бирлигини таъминлайди, дўстлигимизни мустаҳкамлайди ва бутун дунёда тинчликни сақлашда, фаровон ҳаётга эришишга кўмак беради. Қолаверса, бу халқаро жамғарманинг ташкил топиши, Яссавий йилида қилинган энг хайрли ишлардан бири бўлиб, Турон заминининг буюк алломаси руҳи ғоят шод бўлар эди.

Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори.

Фарида САЙФНАЗАРОВА,
Тошкент Давлат аграр университети фалсафа кафедрасининг доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Аҳмад Яссавий ҳикмати

Беш кунлик дунёнинг ҳою-ҳаваси,
Ақлу идрокингни қўлингдан олса.
Ё бойлик, ё мансаб майи қилиб маст —
Қалбингга шайтоний васваса солса,
Менинг ҳикматларим имдодга келур.

Бидъату хурофот авж олиб элда,
Инсонлардан инсоф, иймон йўқолса.
Адолат ўрнини олиб жаҳолат —
Юрт тақдири ножинс, нокасга қолса,
Арвоҳим чирқираб фарёдга келур.

Шукрона айтурман қодир эгамга,
Халқимга бахш этди саодат — иқбол.
Яна қайтиб келди туркий заминга —
Нурин сочиб қуёш — ҳурлик истиқлол.
Бугун авлодларим тоатга келур.

Энди турк демасдан, туркман демасдан,
Ўзбегу, тожигу, қирғиз ва қозоқ.
Бир падар фарзанди янглиғ ишангиз —
Ҳамиша ҳамкору [illegible], иноқ.
Акс ҳолда Туркистон барбодга келур.

Абдураҳмон ҚОДИРОВ,
Булунғур тумани.

Спорт

«БАРИБИР ЎЗИМИЗНИНГ ЙИГИТЛАР...»

1994 йил ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида афсуски, ёш давлатимиз жамоаси қатнашолмайди. Шундан кейинги чемпионат саралаш ўйинларида ўзбекистонликлар ҳам иштирок этишади. Ҳозирча эса кўникиб кетганимиз туфайлими, Россия терма командаси ўйинларини илгаригидек қизиқиш билан кузатиб бораяпмиз.

Ўтган куни Россия терма командаси Люксембургда меҳмон бўлиб, шу давлат терма жамоаси билан куч синашди. Футбол ҳисобдонларининг айтишича, Люксембург жамоаси қаторасига бир неча йил мобайнида бирор марта ҳам ғалабага эришмаган. 68 ўйиндан бери фақат мағлубиятга учраркан. Шу куни 69-мағлубият юз берди. Россиялик футболчилар 4:0 ҳисобида ғалабага эришди. Жамоа сафида ўзимизга таниш йигитлар ўйнашди. Уларнинг аксарияти «чет эллик»: Горлукович («Байир»), Канчельскис («Манчестер Юнайтед»), Шалимов («Интернационале»), Добровольский («Олимпик»), Корнеев («Эспаньол»), Коливанов («Фоджа»), Юран ва Кульков («Бенфика»), Киряков («Карлсруе») улардан ташқари спартакчи Черчесов, Иванов, Онопко ва Поповлар ҳам шу ўйинда иштирок этишди. Голларни Киряков иккита, Шалимов ва Кульковлар биттадан уришди.

17 апрель—Ўзбекистон физкультурачилари куни

Шу йилдан эътиборан Ўзбекистонда апрель ойининг ҳар учинчи шанбаси физкультурачилар куни сифатида нишонланади. Республика Давлат физкультура ва спорт қўмитасининг ҳайъати шундай қарор қабул қилди.

17 апрель куни пойтахтимиз кўчалари, ҳиёбонлари ва майдонлари енгил атлетикачиларнинг оммавий пойгаси майдонига айланади. Мусобақа қатнашчилари шаҳар маркази — Мустақиллик майдонидан йўлга чиқадилар. Гагарин номидаги боғ ҳиёбонларидан, анхорбўйидан ўтилиб, Тошкентнинг бош майдонига қайтиб келинади.

Мажбурий масофа белгилаб қўйилган эмас. Ҳар бир киши кучига, ёшига, жисмоний тайёрлигига ва спорт малакасига биноан масофа танлаб олади. Бу ўринда олимпиаданинг: муҳими ғалаба эмас, иштирок этиш, деган шиори амал қилади.

Шу куни мамлакатимизнинг барча вилоят марказлари, шаҳар ва қишлоқларида оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

(ЎзА мухбири).

Сиз билан қаердадир учрашганмиз

Қудуққа туфламайдилар

Уни Сталиннинг ўғли Василийнинг олдига олиб киришди. У Витя Тихоновнинг елкасига қоқиб, «Яхши йигитга ўхшайди, майли, ўйнай қолсин», деди. Шу йўсин генерал-майор Василий Иосифович Сталин Виктор Тихоновнинг катта спортдаги ҳаётига «оқ йўл» тилаганди. Ўшанда генерал эндигина 27 га, Витя эса 18 га кирган эди.

Бу 1948 йилги гап.

1989 йил СССР хоккей Федерациясининг йиғилишида сўзга чиқиб, Игорь Ларионов Тихоновни «сталинчи» деди.

Ҳозир сталинчи — Тихонов бизнинг хоккейчи ва тренерларимиз ичида чет элга чиқиб валюта ишлашдан бош тортаётган яккаю ягонаси. У агар НХЛ («Энхаэл — Миллий хоккей лигаси)да ишласа борми, ҳеч ким ундан кўп даромад қилолмасди. Бугун 62 ёшли Тихонов 6 мингдан сал кўпроқ маош олади. Ойига (ҳозир сал кўпроқ. — А. А.). Бу АҚШда 23 ёшли Сергей Фёдоров топаётган пулга тенг. Фақат у буни атиги 8 минутда топади.

1977 йилнинг кузида СССР мудофаа министри Д. Устиновнинг буйруғига биноан майор Тихонов МАСК жамоасига катта тренер этиб тайинланди. СССР спорт қўмитасининг буйруғига кўра эса у мамлакат терма жамоасига бош тренер бўлди. Леонид Брежнев хоккейга бироз мойил одам эди. Лекин ўшанда терма жамоа жаҳон чемпионатида қаторасига икки йил муваффақиятсизликка учради. Бу ҳолнинг учинчи марта қайтарилиши эса хоккей федерацияси ва спорт қўмита раҳбарлари учун қимматга тушиши мумкин эди. Уларнинг умиди ёш, (47 га кирган) қолаверса янгиликка ўч тренердан эди. Айнан Тихонов биринчи бўлиб жаҳон хоккейи тарихида (Риганинг «Динамо»сидаёқ) ҳужумчиларнинг тўртта учлигидан фойдаланишга ўтганди.

Тихоновнинг Рига «Динамо» жамоасидан МАСКка ўтиши энг юқори даражада кўриб чиқилганди. У билан КПСС Марказий Қўмитасининг котиби М. Зимянин ва Давлат Хавфсизлик Қўмитаси раиси Ю. Андроповлар суҳбат ўтказишди. Бир неча кундан кейин эса масала ҳал бўлди.

1978 йилдаёқ терма жамоа ўзининг жаҳондаги энг кучли деган унвонини яна қайтариб олди. Тихонов ҳамманинг эркатойига айланди. Майор, кейинроқ эса подполковник ва полковник Тихоновни хоккейдаги ғалабалари билан барча мудофаа вазирлари шахсан табриклашган: Д. Устинов, С. Соколов, Д. Язов, Е. Шапошников. Уни орденлар билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонларга эса ўз вақтида Л. Брежнев, Ю. Андропов, М. Горбачевлар имзо чекишган.

У ҳеч маҳал ўзидан юқоридаги лавозимлар билан ихтилофга бормайди.

Тихоновнинг хоккейдаги ихтилофлари эса бу бутунлай бошқа масала. Бизнинг хоккейимизда Тихоновчалик машҳур одам бўлмаганидек, унчалик душмани кўплар ҳам йўқ. Улар Тихоновда ўнлаб, балки юзлаб чиқар.

Тихоновнинг МАСКка келиши ҳам жанжал билан бошланганди. Янги тренерни ва унинг иш усулларини жамоанинг «оқсоқоллари», энг аввало Петров ва Михайловлар хуш кўришмади. Ҳозир эса айнан шулар Россия хоккейининг раҳбарларидир. Биринчиси — Россия хоккей федерацияси президенти, иккинчиси эса роса ўн беш йил — 1992 йил ёзигача Тихонов бошқарган терма жамоанинг раҳбари. Шунинг учун ҳам 1992 йилнинг кузида Россия терма жамоаси бош тренерининг сайловида Тихонов ўз номзодини қўйиб ўтирмади.

1981 йилда «Петровлар» катта хоккейдан кетгач, Харламов оламдан ўтгач, Тихонов янги бир «бешлик» тузди. Бу дунёга машҳур бўлган ўша Ларионов бешлиги эди. Охир-оқибат эса Тихоновнинг бошига битган бало ҳам шу бўлди. Ким билади, 80-йилларнинг бошида Тихонов ушбу гуруҳни тузмаганда, 80-йилларнинг охирига келиб эса бу ишлар юз бермас эдими...

Тихонов ўйинчиларга нисбатан қаттиққўлгина эмас, баъзан шафқатсиз ҳамдир. Ҳозир у қизиқ ҳолатга тушиб қолган. МАСКда асосан 17—18 яшар болачаларга устозлик қилади. Чет элда эса унинг тарбиясини олган 28 та забардаст, маҳоратли шогирди хоккей ўйнашмоқда. Беқиёс тренерлик маҳорати ва ажабтовур ишчанлиги ҳамда тажрибасига қарамасдан у ўзи билан ишлаётган одамларни қадрлашни билмайди. «Унинг ноҳалоллиги, нафсониятимизга тегиши одатий ҳолга айланганди», — деб ёзади Игорь Ларионов. Сергей Стариковнинг рафиқаси Ирина Тихоновга ёзган очиқ хатида шундай дейди: «Мен биламан, сиз хоккей учун жонингизни бағишлагансиз. Лекин наҳотки, қалбингизда фақат музгина бўлса. Сиз ҳойнаҳой Филатов касалхонасида менинг ўғлим ўлар ҳолатда ётган кунни унутган бўлсангиз керак. Сергей икки марта олдингизга келиб, ўғлимнинг операцияси пайтида тепасида бўлиш учун рухсат сўраганди. Ўшанда сиз унга нима деб жавоб берганингиз эсингиздами? Сен врач бўлмасанг, қўлингдан нима келарди? — дегандингиз. Бизнинг Илюшамиз, худо бир асраб тирик қолди. Лекин мен сизнинг меҳрсизлигингизни ҳеч маҳал унутолмайман».

1984 йилги Олимпиада ўйинларидан олдин Тихонов Владимир Крутовни реанимацияда ётган янги туғилган ўғлию, оғир аҳволдаги хотинининг олдига юбормайди. Бутун жамоа ўртага тушиб, отаси ўлган Андрей Хомутов кўмиш маросимида қатнашишга ижозат олади. Булар ҳам тренер суратига чизгилар.

Мана шунинг учун ҳам «Энхаэл»даги «қочоқлар»нинг барчаси МАСКдан — Могильний, Фёдоров, Буре, Буцаев, Константинов, Коволенко... Албатта Тихоновга алам қилади, чунки уни ҳар қадамда ўз таъбири билан айтганда, сотишади. Дўстлари, ҳамкасблари, ўйинчилар.

1984 йили унинг ёрдамчиси Юрий Моисеев бўшаб кетди. Москванинг «Динамо»сига ўтди. Ва буни хушфеъллик билан ёрдамчи тренерликдан етакчиликка ўсиб етилдим, деб тушунтириб қўя қолди. Аслида у фақат шунинг учунгина кетгани йўқ. Тихонов билан бошқа ишлай олмаслигига ва ишлаш мумкин эмаслигига ақли етгач кетди. Тихонов кўрсатмаларини қулоқ қоқмай бажарадиган ижрочилар билан жуда яхши ва самарали ишлай олади. Қачонки ёрдамчиси ёки ўйинчи етилиб, мустақил шахсга айлангач, унга бўйсунмаслигини ҳис қилгач, ўртага совуқлик тушади. Кейинчалик унинг ёрдамчиси Михайлов билан, Ларионов бешлиги билан, Могильний, Фёдоров, Бурелар билан ҳам худди шундай ҳолат юзага келди. Бу ўтган мавсумда жамоанинг етакчилари бўлган Буцаев ва Коволенко мисолида ҳам яна бир бор такрорланди. Чинакам хоккей ўйнашни унинг қўлида ўрганган бу «зумрашалар» жамоада етакчи кучга айланганларини ҳис қилгач, ўша мавсумда атиги тўртта ўйин ўйнабоқ, «четга сурворишди».

«Тихонов қанча ақлли бўлса, шунчалик қасоскор ҳамдир», дейди Ларионов. Буни журналистлар ҳам бир неча бор ўз бошларидан ўтказишган.

Димитрий Рижков кўп йиллар мобайнида «Советский спорт» газетасида Тихонов мақолаларини тайёрлаган. Бир гал Борис Кулагин ҳақида мақола ёзади. Кулагин Тихоновнинг назарий муҳолифи эди. (У 80-йилларнинг ўрталаригача совет хоккейида Тихоновга принципиал жиҳатдан қарама-қарши тарзда учта учликдан иборат ҳужумчилар тактикасига содиқ қолганди). Шундан кейин Димитрий Рижков жаҳон чемпионатларига бориш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Кейинчалик маълум бўлишича, «бу терма жамоа раҳбариятининг кўрсатмасига биноан» қилинган экан. 70-йилларнинг охирларида Тихонов Владимир Дворцовнинг «Хоккей репортажи» китобига сўзбоши ёзади. Орадан ўн йил ўтиб эса журналистнинг у ҳақдаги бир оғиз танқидий гапи бумеранг — ов таёғи сингари қайтиб келиб ўзига тегади. ТАССнинг спорт шарҳловчиси ишдан кетади.

Шунга қарамай, Тихоновни фақат қора бўёқларда тасвирлаш гўлликдан бошқа нарса эмас. Виктор Васильевич шу йиллар мобайнида ўз қўл остидагиларнинг кўплаб қилиқларини мардонавор ҳазм қилиб келди. Жамоа жаҳон чемпионатидан кейин Шереметьево аэропортида оёқда туролмайдиган даражада маст ҳолатда бўлганда уларни ҳимоя қилиб чиқди. Жамоа сардори Фетисов Киевда маст ҳолда милиционер билан муштлашганда уни ҳимоя қилиб чиқди. Новогорскдаги терма жамоанинг базасига чемпионатга кетиш арафасида қорни дўппайиб қолган бир қиз келиб боланинг отасини ахтарганда бўлажак отани ҳимоя қилиб чиқди. Ўша кезларда СССР хоккей федерациясининг президенти бўлган Леонид Кравченко суҳбатларнинг бирида шунга ўхшаш беҳисоб ЧПларни Тихонов қандай қилиб босди-босди қилганига ҳали ҳам ҳайрон қоламан, деганди. Булар ҳам тренер суратига чизгилар.

Мен юқорида Тихонов чет элга бориб ишлашдан бош тортаётган бизнинг хоккейимиздаги ягона одам дедим. Европада унинг МАСКдаги собиқ ёрдамчиси Б. Михайлов, собиқ терма жамоадаги ёрдамчиси В. Юрзинов, Воскресенскнинг «Химик» жамоаси собиқ тренери Васильев ва бошқалар ишлаб келишди ва ишлашмоқда. Қолаверса, унинг ўғли Василий Тихонов ҳозир ҳам Финляндияда тренерлик қилмоқда.

Виктор Васильевичда мамлакат ва армия хоккейига нисбатан ҳайратланарли даражада фидойиликкина эмас, ҳозирги пайтда тансиқ бўлиб қолган стахановчасига ишлаш усули ҳам бор. Эсимда, бир гал СССР хоккей федерациясининг мажлисида Ларионов бешлигидаги хоккейчилар уни барча бало-қазоларга айбдор деб гўрига ғишт қалашаётганда, у ўз дафтарида навбатдаги машғулот режасини чизиб ўтирарди. Унинг ёнида ўтириб, ўзича тўнғиллаб қўйганини эшитганман: «Маҳмаданалик қилгунча, ишлаш керак».

Фақат бир гал мен уни хоккейдан ҳоли вазиятда кўрганман. Ўшанда МАСК спорт Саройи очилиш пайти эди. Виктор Васильевич иштаҳа билан таом ер, қизиқ бир нарсани гапирар эди. Ҳойнаҳой латифа айтаяпти деб, унга яқинлашдим. У хоккей ҳақида гапирарди...

91-йилнинг баҳорида унинг терма жамоадан кетиши ҳақида гап-сўзлар кучайган бир пайтда, яна қанча пайт МАСКка етакчилик қилиши билан қизиқдим. Тихонов ажаблангандек бўлиб жавоб берди. «Хоккейимиз нима бўлади? Ҳаммаси барбод бўладику? Ҳозирча ишлашга қурбим етаркан, хоккейни сақлаб қолиш учун бор кучимни бераман». У бурилиб кетди. Менга эса худди шу жавобни биринчи беш йилликларнинг илғорлари, ДнепроГЭС қурувчилари ҳам қайтаришлари мумкиндек туюлди. Беихтиёр 90-йилларнинг алғов-далғовларига тушиб қолган 30-йилларнинг одами кўз олдимга келди.

Бугун 17—18 ёшли болалардан МАСКнинг янги жамоасини тузаяпти. Жамоада ҳали Шахслар йўқ, ижрочилар бор. Бас, шундай экан, ҳозирча Тихоновга ҳалал бермаслик керак. Мен аминманки, у яна тез орада ажойиб жамоа тузади. Ажойиб учликлар, бешликлар яратади. Ва албатта, яна уни ташлаб кетишади. Чунки унинг ўзи кетмайди. Чунки унинг ўзи ўзгармайди. Демак, кичкина — Харламов, Винокуров, Старостенколар билан вақт ўтиб, уларнинг муносабати қандай бўлишини тахмин қилиш мумкин. Лекин ҳозир Тихонов жамоаси — бу яқин йилларда юзага чиқадиган сувли қудуқ. Фақат гап шундаки, орадан беш йил ўтиб, бу жамоадан ҳеч ким қолмайди. Бу сувлар оқиб кетади. Уларнинг барчасини яна «Энхаэл»га ёки Европага учирма қилишади. Ҳаммаси, Тихоновдан ташқари. Яна битта ўзи қуп-қуруқ қолаверади. У ҳозирги алғов-далғов замоннинг бўронида сузишни билмайди. Афсус. Лекин у охиригача курашади. Бунга аминман. Бу кураш қанчалик узоқ бўлади, уни ҳеч ким айта олмайди. Шунинг учун яхшиси ҳозир унга ҳалақит бермаслик керак. Туфламаслик керак. Ахир қудуққа туфламайдилар-ку. Қолаверса, сувли қудуққа.

Е. ФАКТОРОВИЧ,
(«Собеседник» ҳафталигидан А. АҲМЕДОВнинг эркин таржимаси).

«Урушқоқдан спортчи чиқмайди»

Оддийгина мактабнинг оддийгина спорт саройи. Ҳар қандай ортиқча дабдабаю, ҳашамлардан ҳоли бу жой, айтиш мумкинки, ўта «камтарона» жиҳозланган. Тўғриси, бу ерни бошқачароқ тасаввур қилган эдик. Энг аввало хориж киноларида кўрганимиздек, турли хил спорт анжомлари билан тўлиб-тошган хона келганди хаёлимизга.

Дарвоқе, ҳикоямиз 1992 йилнинг ноябрь ойидан иш бошлаган Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» халқаро жанговар клубининг фаолияти тўғрисида. Клубнинг 300 дан ошиқ аъзоси тўрт гуруҳга бўлиниб, бир неча мактаб спорт саройида шарқона спорт турларидан бири бўлмиш каратэ билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Қувончлиси, спортнинг бу турига майл қўйганлар асосан ўзбек йигитлари.

Биз борганда, ҳали машқлар расман бошланмаган бўлса-да, оппоқ, тоза спорт кийимидаги йигитларнинг бироз бўғриққан, қизиган юзларидан анча эрта келишганлиги сезиларди. Ҳамма ўз-ўзича машқ қилаяпти. Яккаю ягона спорт анжоми — мушт қоп олдида навбат узун. Одамнинг ўзида иштиёқ, қизиқиш бўлса, жиҳозларнинг камлиги, йўқлиги ҳам машқларни ўзлаштиришга акс таъсир кўрсатмас экан. Йигитларнинг бўртиб-бўртиб чиққан мушаклари тинимсиз ҳаракатдан далолат беради. «Булар ҳар уч-тўрт кунда битта мушт қопни «еб» қўйишади», дейди клуб президенти, 3-дан «Қора белбоғ» соҳиби Нурхон Нафасов ҳазиллашиб.

Устоз амри билан йигитлар бир сафга тизилишди. Салом-аликдан сўнг ҳамма бараварига ўтириб кўзларини юмганча бир лаҳза тек қотди. Ўзларини руҳан машққа, жангга тайёрлашди. Енгил, оддий ҳаракатлардан оғир, мураккабларига ўтишди. Роса терлашди. Ниҳоят ўрганганларини амалда синаб кўриш мақсадида жуфт-жуфт бўлиб юзлашишди. Н. Нафасов уларнинг ҳар бир ҳаракатини зийраклик билан кузатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Кўҳна Шарқнинг ҳатто спорт турида ҳам шарқона одоб-ахлоқ ўлчовлари устивор эканлигидан ҳайратландик. Бунда муштлашув эмас, санъат биринчи ўринда туради.

Бу спортчиларнинг деярли кўпчилигини жумҳуриятимизнинг чекка қишлоқларидан келган талабалар ташкил қилади. Уларнинг шу соҳага нисбатан бўлган қизиқиши асосий машғулот — фанларни ўзлаштиришга қандай таъсир кўрсатаётганлиги билан қизиқдик.

Абдурасул ҲОЛИҚОВ, Жисмоний тарбия институтида сиртдан ўқийди, қашқадарёлик:

— Тўғрисини айтсам, каратэ билан шуғулланаётганимга тўрт йил бўлди. Устозим Нурхон аканинг ёрдамлари туфайли озми-кўпми муваффақиятларга ҳам эришдим. Ҳозирча «Жигарранг белбоғ» соҳибиман. Клуб очилгандан буён битта гуруҳга устозман. 1991 йил Санкт-Петербургда бўлиб ўтган каратэчиларнинг халқаро ўртоқлик учрашувида иштирок этгандим. Шу йилнинг июнида эса ўша ерда чемпионат ўтказилиши керак. Ана шу мусобақага тайёргарлик кўраяпман.

Сиртдан ўқишим, қолаверса, мутахассислигим ҳам бир бўлганлиги учун фанларни ўзлаштиришим яхши.

Акбар УМАРОВ, Низомий номидаги муаллимлар тайёрлаш институтининг толиби, сурхондарёлик:

— «Яшил белбоғ» соҳибиман. Ҳафтада уч кун тўгаракда машқ қилсам, қолган кунлари, дарслардан бўш пайтимда мустақил шуғулланаман. Спорт менинг севимли машғулотим. Ўқишларга ҳар доим улгураман. Бирорта синов ёки имтиҳондан қарз бўлиб қолганимни эслолмайман. «Алпомиш» спорт саройида ўтказиладиган каратэчиларнинг очиқ чемпионатига тайёрланаяпман.

Навбатдаги суҳбатдошимиз клубнинг энг ёш қатнашчиси, 308-мактабнинг ўқувчиси Шуҳрат Йўлдошев бўлди. Шуҳрат 5-6 ёшлигидан машқ қиларкан. Ота-онасининг розилиги билан мана бир ойдирки тўгаракка ҳам қатнаяпти. Кундалигига бирорта 3 баҳо тушмаган, аълочилардан экан. У бизнинг «Урушқоқмисан?» деган саволимизга уялибгина «Йўқ, уришаётганларни кўрсам, ажратиб қўяман», деб жавоб қилди.

— Спортга астойдил меҳр қўйганлар урушқоқ бўлолмайди, — дейди Нурхон. — Айниқса, бизнинг каратэчилар шунақа. Каратэ инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлишга ундайди. Маънавияти сўқир одамдан катта спортчи чиқиши амри-маҳол. Авваллари каратэ ҳақида бошқача тасаввур мавжуд эди. Тўгараклар очишга рухсат берилмасди. Клубимизнинг расман рўйхатдан ўтказилишида республика миллий каратэ федерацияси президенти, 4-дан «Қора белбоғ» соҳиби Арслон Иловнинг хизматлари катта бўлди.

Бугун Республика миллий каратэ федерацияси ўтказаётган мусобақага «Шарқ» клубидан иккита гуруҳ қатнашаяпти. Санкт-Петербургда ўтадиган чемпионатга ҳам ўн нафардан зиёд вакил иштирок этиши кўзда тутилган. У ёқда жуда катта мусобақа бўлади. Чунки унда иштирок этиш истагини билдирган қора белбоғ соҳибларининг ўзи уч юз нафардан ортиқ. Менинг йигитларимдан кўнглим тўқ. Ўйлайманки, улар мусобақаларда ўзларини кўрсатишади.

Албатта, ҳозирги иқтисодий етишмовчиликлар даврида ҳомийларсиз муваффақиятларга эришиш жуда қийин. «Шарқ» клубини оғир шароитда Қарши шаҳридаги «Ишонч» фирмаси ёлғизлатиб қўймаяпти. Фирма раиси Ўктам Турсунов айни пайтда шу клубнинг фахрий директори ва фахрий 1-дан «Қора белбоғ» соҳиби ҳисобланади. Ана шундай миллатнинг келажаги учун қайғурадиган кишиларнинг борлиги кўнгилга таскин беради.

Клубдан қайтарканмиз, куни кеча бизга «Ўзбек йигитлари нимжон, ҳарбийга яроқсиз», деб қилинган таънаю-дашномлар ёдга тушди. Балки ўшанда бу гаплар рост бўлгандир. Боиси — спортдан йироқлигимиз эди. Аммо бугун Нурхон сингари етук спортчилар, спорт усталари бор экан, у маломатли гапларни қайта эшитмаймиз. Ахир, 300 нафар спортчи йигитларнинг эртага ҳар бири 300 дан шогирдларга эга бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг. Бу — бутун бир соғлом келажак дегани эмасми? Худо хоҳласа, ўша кунлар яқин.

Сирожиддин РАУФ,
Даврон АҲМАД.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА

НАВБАТДАГИ ТУР

ўйинлари давом этаяпти. «Пахтакор» ўз майдонида «Бинокор»ни қабул қилмоқда. Бу тур якунлари ҳақида келгуси сонда хабар қиламиз. Лекин футбол ишқибозларига ўтган тўрт тур бўйича маълумотларни бериб ўтмоқчимиз. Олий лигамизнинг бўлиб ўтган тўрт турида 32 та учрашув ўтказилди. Уларда жами си бўлиб дарвозаларга 77 тўп киритилди. 44 киши жазоланди, яъни майдондан чиқариб юборилди ёки огоҳлантирилди. Тўпурарлар баҳсида Шуҳрат Мақсудов пешқадамлик қилмоқда. Унинг шахсий ҳисобида ҳозирча 5 та тўп бор. Мавсум бошидан бери стадионларга 138 минг киши футбол кўриш учун тушишди. Бу ўртача ҳар бир ўйинга 4000 тадан тўғри келади. Бу озми ё кўплиги ўзингизга ҳавола.

Келгуси сонда:

- ● ТУРКОНА ТЎЙЛАР
- ● ТИҒСИЗ, ҚЎЛ БИЛАН ЖАРРОҲЛИК

«Туркистон» газетаси жамоаси «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» мунтазам илмий экспедицияси раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаевга онаси

Тожихон ая САИДАКБАРХЎЖА қизи

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 56

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—179. 64052 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. — 21.00.